O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 27-may, 2009-yil • №22 (626) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

### МИРЗО ҚЎҚОНБОЙ КИМ БЎЛГАН?



***Шуҳратжон дарҳол ҳушёр тортиб, акасига қўнғироқ қилди. Адлия соҳасида хизмат қилаётган акаси зудлик билан етиб боришини айтди. Шуҳратжон акаси келгунича юраги хаприқиб, гоҳ ташқарига чиқиб, уни кутар, гоҳ ертўлага тушиб, жомадоннинг жойида турган-турмаганини текширар эди.***

⇨ 2-бет

### УЛУҒБЕК ДАВРИДА ТАБОБАТ



***Ҳукмдорнинг ишончига сазовор бўлган Нафис ибн Иваз Самарқандда ўзининг иккинчи тиббий асарини ёзади ва уни "Шарҳ ал-Мўъжаз ал-қонун" ("Қонуннинг қисқартмасига ёзилган шарҳ") деб атайди.***

⇨ 7-бет

### ДУНЁДА ЯХШИ ОДАМЛАР КЎП



***Маълум бўлишича, боя даврада шўх хиром этган қиз уч-тўрт ёшида бахтсиз тасодиф туфайли бедаво дардга учраган экан. Тинимсиз даволанишлар, кўплаб жарроҳлик амалиётлари ҳам самара бермабди. Бу кўргилик камдай аввал унинг отаси, кейинроқ онаси вафот этибди.***

⇨ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.**

**Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.**

■ 2009 йил 22 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби бўйича бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция ислоҳотларнинг ўзбек моделини ўрганиш, мустаҳкам ва барқарор ривожланадиган миллий иқтисодиётни шакллантириш тажрибасига бағишланди.

Анжуманда дунёнинг 60 мамлакати ва 30 халқаро ташкилот ҳамда молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлардан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

■ **Америка Қўшма Штатларида Америка – Ўзбекистон савдо палатаси кўмаги ва мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби нашр этилди.**

■ Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан табиий офатдан зарар кўрган Тожикистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Маълумки, шу йилнинг апрель-май ойларида тинимсиз ёққан ёмғир туфайли Тожикистоннинг қирқдан зиёд шаҳар ва туманлари жиддий талафот кўрган. Кўпгина турар жойлар вайрон бўлиб, юзлаб фуқаролар бошпанасиз қолган. Мана шундай оғир вазиятда Тожикистон ҳукумати барча давлатлар ва халқаро ташкилотларга мурожаат қилди. Унга жавобан Ўзбекистон ҳукумати биринчи бўлиб жорий йилнинг 23 май куни Сурхондарё вилоятининг Сариосиё темир йўл бекатидан қўшни мамлакатга қурилиш материаллари, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўнлаб палаткалардан иборат 20 вагондан ортиқ инсонпарварлик юкини жўнатди.

ҲАЯЖОН



СУРАТДА: пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 268-мактаб битирувчилари

## МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Таълим даргоҳларида янгровчи қўнғироқларнинг ўрни бошқача. Масалан, 1 сентябрь куни жаранглочи биринчи қўнғироқ мактаб остонасига бир дунё қувонч ва ҳаяжон билан қадам қўяётган мурғак қалб эгаларини илм олишга чорлайди. Улар мактаб ўқувчисига айланиб, масъулиятни заммасига олади. Қўнғироқдаги сеҳр ўқувчи қалбида мактабга, устоз ва дўстларига нисбатан самимий меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади. Шу тарзда ёш авлод қалбидаги билим олиш иштиёқи юксалиб, уларнинг олам ҳақидаги тасаввурлари кенгая боради.

Ўқув йили охирида янграйдиган сўнгги қўнғироқ эса бироз бошқачароқ. 9 йил ёки 11 йил бир синфда ўқиган синфдошлар ва билим берган устозлар билан хайрлашиш осон эмас. Сабаби шу қўнғироқ садоси ёшларни ўз тақдири ҳақида ҳар қачонгидан кўра чуқурроқ ўйлашга мажбур этади.

Куни кеча юртимиздаги умумтаълим мактабларида сўнгги қўнғироқ тадбирлари бўлиб ўтди. Ўқувчи-ёшлар қалбида бир олам орзу ва ҳаяжонли онлар...

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, жорий ўқув йилида мамлакатимиз бўйича жами 703 минг 828 нафар ўғил-қиз умумтаълим мактабларини тамомлайди. Уларнинг 595 минг 295 нафари тўққизинчи синфни, 108 минг 533 нафари эса ўн биринчи синфни битиради.

Шу ўринда яна бир маълумот: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизматининг хабар беришича, жорий йилнинг февраль ойида республикамиз бўйича асосан 9-синфни битирувчилар орасида ўзига хос сўровнома ўтказилган. Унда юртимиз эртанги кун эгаларининг барчаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш истагида эканини маълум қилишган. Демак, ёшларнинг деярли барчасида ўрта махсус касб-ҳунар таълими хусусида муайян тушунча шаклланган. Бу эса битирувчиларни узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш йўлида янада самарали қадамлар қўйилаётганидан далолат.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА,**
**"Hurriyat" мухбири.**

ҲУҚУҚ

## "ЯХШИЛИКЧА АРИЗАНГНИ ЁЗ!"

**Бошлиғининг бу талабини бажармаган ходим ишдан четлатилди. Адолатни тиклаш учун эса уч йилдан ортиқ вақт кетди...**

*Суд Департаменти Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси Қизилтепа бўлими суд ижрочиси Отабек Сувонов, нима бўлди-ю бошлиққа ёқмай қолди. Улар иккаласи ўртасида 2005 йилда бошланиб, 2009 йилгача давом этган "баҳс"га оид далилу ҳужжатлар билан танишсангиз, беихтиёр "бошлиқнинг битта ходимдан айб қидиришдан бошқа иши йўқ эканми!" деган фикр мияда чарх уради.*

Бошқарма бошлиғи Пўлат Худойбердиев Отабекка "Яхшиликча аризангни ёз, кейин пушаймон бўласан" деди столни муштлаб. "Айбим йўқ бўлса, нега ариза ёзаман, ёзмайман", — деди Отабек.

Алалхусус, ҳаммаси шундан кейин бошланди! Қилдан қийиқ ахтариб бўлса-да ходимнинг "айби"ни топишга ҳаракат қилинди. Бошлиқ ниманидир баҳона қилиб унинг устидан прокуратурага мурожаат қилди.

Навоий шаҳар прокуратурасида О.Сувоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Терговчи Р.Зайниев тергов қилди, прокурор Айблов хулосасини тасдиқлади. Жиноят иши судга юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди 5 том (!)дан иборат бу жиноят ишини узоқ вақт суд мажлисларида муҳокама қилди, лекин ҳукм чиқаришга қонуний асос топмади ва 2006 йил 25 январдаги Ажрим билан жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтарди.

Шаҳар прокурори бу Ажримга протест киритди. Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди 2006 йил 28 мартдаги қарори билан Ажримни ўзгаришсиз қолдирди, протест қаноатлантирилмади.

Шундан кейин Қизилтепа туман прокуратураси терговчиси Ф.Тожиев қўшимча терговни синчиклаб ўтказиб, О.Сувоновнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги боис, ЎзР ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан ҳаракатдан тўхтатди.

Бу орада аттестация пайти келиб қолди. Ва Отабек аттестациядан "ўтолмади". Бошлиқ дарҳол уни вазифасидан четлатиш тўғрисида 2008 йил 9 октябрда буйруқ чиқарди! Ана, иш деган бундоқ бўпти-да!

Бироқ, бу ижрочи "йиқилиб курашга тўймайди"ганлар тоифасидан чиқиб қолди. Аттестациянинг унга нисбатан нохолис бўлганини далиллар билан асослаб, бошлиғининг ноқонуний буйруғини бекор қилишни сўраб судга даъво ариза киритди. Эътибор берган бўлсангиз, кураш бошлиқ билан ходим ўртасида эмас,балки бошлиқ билан қонун ўртасида кетмоқда. Ходим ўзининг ҳимоясига қонунни қурол қилиб олди.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди 2008 йил 5 ноябрда бошлиқнинг юқоридаги буйруғини бекор қилиш ва О.Сувоновни ўз вазифасига тиклаш тўғрисида Ҳал қилув қарори чиқарди. Албатта, суд Департаменти ҳудудий бошқармаси бундан норози бўлиб апелляция шикояти ёзди. Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди 2008 йил 9 декабрдаги Ажрим билан Ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди ва апелляция шикояти қаноатлантирилмади.

Бунгача эса бошлиқ П.Худойбердиев суд қарорига асосан ўзининг О.Сувоновни вазифасидан бўшатиш ҳақидаги аввалги буйруғини бекор қилиб, уни ишга тиклаш тўғрисида 2008 йил 11 ноябрда янги буйруқни имзолади.

Эҳ, қанчалик оғир! Қанчадан қанча асаббузарлик, йўқотилган кунлар, ойлар, йиллар. Тасаввур қилиш мумкин... Бироқ, уч йилдан ортиқ давом этган бу "тортишув"ни қандай изоҳлаш мумкин? Балки бунга Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш республика Департаменти раҳбарлари муносабат билдиришар?

Нима бўлганда ҳам, бу нохуш "тортишув"да қонун ғолиб чиқди. Ва худди мана шу ҳолат бошқа бу каби бемаъни воқеаларнинг такрор этилмаслиги учун ҳам ибрат бўлсайди деган мақсадда ушбу можаро тўғрисида ёзишни жоиз деб билдик.

**Зариф САЪДИЕВ,**
**журналист.**

АНЖУМАН

## Бугуннинг долзарб мавзуси

*Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 15 май куни Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Қишлоқ ёшлари манфаатларини таъминлашнинг долзарб вазифалари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.*

Қизиқарли таассуротларга бой кечган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ОАВ вакиллари ҳамда турли жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этди. Конференцияда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев қатнашиб, бугунги кунда юртимизда, хусусан, Қашқадарё воҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди, ўз навбатида жамиятда ОАВнинг ўрни, аҳамияти хусусида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирди. Вилоят раҳбари, айниқса, бутун дунёда юз бераётган иқтисодий инқироз ҳақида ҳам фикр юритиб, мамлакатимизда бирор бир ташкилот ё корхонанинг ишчилар сонини қисқартиришига йўл қўйилмай, давлат бюджети томонидан иш ҳақи тўланадиган кўплаб соҳаларнинг ойлик маошлари йилдан-йилга оширилиб борилаётгани ҳамда мамлакатимизда катта салоҳиятга эга қурилишлар, бунёдкорлик юмушларининг уддаланаётгани — Ўзбекистонда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли эканлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, "Камолот" ЁИҲ Кенгаши раиси Акрам Алимов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раиси Жамолиддин Ҳакимов ва бошқа тадбир иштирокчилари сўзга чиқиб, "Қишлоқ ёшлари манфаатларини таъминлашнинг устувор йўналишлари", "Қишлоқ ёшларининг маънавий-маърифий даражасини юксалтиришнинг долзарб масалалари, бунда ОАВнинг ўрни", "Қишлоқ ёшлари учун ахборот майдонини кенгайтириш: муаммо ва истиқболлар", "Ахборот соҳасида миллий манфаатларни ҳимоялаш: ёшлар сиёсатини амалга ошириш мисолида" сингари мавзуларда маъруза қилдилар.

Конференция доирасида иштирокчилар қадим Кеш тарихи билан яқиндан танишиб, буюк бобомиз Амир Темур ва ул зотнинг авлодлари томонидан қурилган тарихий иншоотлар, бу заминдаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди. Шаҳрисабз ҳокимлигининг нашри "Кеш" газетаси таҳририяти ҳамда тумандаги ёш тадбиркор ва фермер хўжаликлари, ўқув, спорт, маданият масканлари фаолияти билан ҳам танишдилар. Анжуман "Шаҳрисабз баҳори" ёшлар сайлига уланиб кетди.

**Ўз мухбиримиз.**

МАКТУБ

## Сайтингизга киргандим

*Ҳуршиджон, саломатмисиз? Сайт тўғрисидаги янги латифани эшитган чиқарсиз. Майли, бу ҳақда кейинроқ, бир учрашганда... мавриди билан ҳангомалашармиз.*

*Аммо шуни айтишим кераккки, мен Сизнинг сайтингизни ҳар гал осонлик билан очаман. "Поиск" тармоғига номингизни ёзишим билан қучоғингизни очиб тургандай бўласиз. Ҳар ҳолда, сизнинг сайтингизни жуда моҳир мутахассис тиклаб берганлигини таъкидлаб ўтишим керак. Бош саҳифа фонидаги Афросиёб қазилмаларидан топилган қадимий суғдларнинг расмлари, ҳар бир файлда турли даврда тушган суратларингизнинг жойлаштирилиши, ўқувчи истаган шеър, мақола ёки таржимаи ҳолингизга оид маълумотларни қийналмай топиши сайтингизнинг муваффақиятидир.*

Аммо энг кўп «комментарий»лар рус тилига таржима қилинган шеърларингизга келган экан. Бу ҳам табиий ҳол. Рус тили жаҳон тилларидан бири, бунинг устига таржималар яхши чиққан. Худойберди Тўхтабоев, Раҳижон Отаевларнинг расмий сайтларини очганимда ҳам, уларнинг асосан русчага ўгирилган асарларини ўқишаётганликларига ишонч ҳосил қилдим. Сайт ёки блог ҳам одамнинг севимли машғулоти каби бир гап. Уни бот-бот очиш, кам-кўстларини тўлдириб туриш, янги хушхабарлар, шеърлар билан бойитиш талаб этиларкан. Шунча бандлигингизга қарамай бу юмушларни ҳам уддалаётганингизга қойилман. Аммо, сизга мактуб йўллашдан муддао бу борадаги муаммолар тўғрисида кўпроқ фикрлашишдир. Энг аввало, мени ташвишга соладиган ҳолат — бизда компьютерлаштириш ва интернетдан фойдаланиш даражасининг анчайин паст бўлиб қолаётганлигидир.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўлими олдидан ёзган васиятномасида дилни ўртантириб юборадиган бир жумла бор: "Туркистон болаларини илмсиз қолдирманглар" деб зорланадилар у киши.

4 »

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

2009 йил 25 майдан 26 майга ўтар кечаси 2-3 нафар қуролланган босқинчидан иборат гуруҳ Андижон вилояти Хонобод шаҳрига кираверишда жойлашган милиция блок-постига портловчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ҳужум қилган.

Отишма пайтида бир нафар милиция ходими ва босқинчилардан бири яраланган.

Босқинчилар берилган зарба натижасида тун қоронғусида яширинишга улгурган.

26 май куни соат 13.45-14.00 да Андижон шаҳрининг Фитрат кўчасида номаълум киши ўзини-ўзи портлатиб юборган ва бунинг оқибатида бир нафар милиция ходими ҳалок бўлган, бир неча фуқаро жароҳатланган.

Дастлабки маълумотларга кўра, босқинчилар гуруҳи Андижон вилояти ҳудудига қўшни Қирғизистондан кириб келган.

Айни пайтда Андижонда мамлакатимизнинг барча ҳарбийлашган тузилмалари вакилларидан иборат тезкор штаб ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Тезкор-қидирув ишлари ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хабарлар оқими

Бугуннинг нафаси

### ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан йўловчи ташишни ривожлантириш, ҳаракат хавфсизлиги талабларини таъминлаш мақсадида "Самарқанд автомобиль заводи" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган 200 та "Исузи" русумли автобуслар лизинг асосида харид қилиниб, "Самарқандйўловчитранс" шўъба корхонасига берилди.

Тез кунларда шаҳарнинг марказий ва йўловчилар оқими кўп бўлган жойларда яна 23 йўналишда автобуслар қатнови йўлга қўйилади.

**Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ҲАМИД ОЛИМЖОННИ ХОТИРЛАБ

Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон номидаги истироҳат боғида Ҳамид Олимжон таваллудининг 100 йиллиги олдидан тадбир ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур анжуманда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, республика халқ таълими вазирлиги ходимлари сўзга чиқиб, шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида сўзладилар. Шу куни шаҳардаги 10-умумтаълим мактабида ҳам халқимиз суйган шоир — Ҳамид Олимжон таваллудига бағишланган бадиий кеча ўтказилди.

**Норқул МАМИРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ШЎХ ТАРОНАЛАР НАМОЙИШИ

Туркистон концерт залида пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан "Ўзбегим ёшлари" ансамблининг янги концерт дастури намойиш этилди. Доира садолари жаранги остида бошланган дастурни гуруҳнинг икки лобар қизлари Комола Эрматова ҳамда Камола Шарафуддиновалар олиб боришди. Навқирон Тошкентнинг бетакрор иншоотлари, гўзал табиати, тарихи акс этган саҳна безаклари байрам дастурига ўзгача салобат, кўрк бағишлаган бўлса, қадим Бухоро, кўҳна Хоразм анъаналари, мусиқий меросини тараннум этувчи шўх тароналар, рақслар ҳамоҳанглигида тадбир иштирокчиларига ўзгача кайфият бахш этди. Масалан, Наргиза Бектимированинг "Қўғирчоқ рақси" томошабинларни ҳайратта солган бўлса, Машҳурбек ижросидаги "Сарвиравоним", "Мажнун" каби тароналар ҳамда яқиндагина Озарбойжонда ўтган халқаро фестивалда ғолибликни қўлга киритган Юлдуз Турдиеванинг хонишлари ўзининг ижроси билан санъат ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлди.

**Дурдона МАҲСУДОВА,**
**Республика рассомлик коллежи санъатшунослик бўлими 3-курс талабаси.**

### ҚИШЛОҚ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Боғот туманидаги Қулонқорабоғ қишлоғи аҳолисининг сервис соҳасига бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлароқ қондириш, янги иш ўринларини очиш мақсадида яқинда "Абдулла ҳисобчи" хусусий корхонаси томонидан енгил автомашиналарни таъмирлаш шохобчаси ишга тушди. Шунингдек, қишлоқ марказида "Сотим Файзулла" хусусий дорихонаси ҳам иш бошлаб, маҳалла гузарини замонавий услубда барпо этишга киришилди. Бу борада қишлоқ мулкдорларининг ҳомийлик ёрдами қўл келмоқда. Қулонқорабоғ ҳудудидан ўтадиган йўлларга тош, асфальт ётқизиш, сув қувурларини ўтказиш ишлари ҳам қизғин давом этирилмоқда.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ЁЗ МАВСУМИГА ТАРАДДУД

Тахиатош шаҳрида болаларнинг ёзги оромгоҳларда маданий ҳордиқ чиқариши учун тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаяпти. Шаҳардаги болалар дам олиш марказини таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштириш ва зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш поёнига етказилмоқда. Ёзги мавсумда бу ерда ҳар босқичда 120 дан жами 480 болагача дам олиши режалаштирилган. Оромгоҳ май ойининг охирида очилиши кутилмоқда.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Бухоро олимпия захиралари спорт коллежи талабаси Светлана Исмоилова спортнинг самбо кураши бўйича 80 кг. вазнда жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида 1-ўринни эгаллади.

— Светлана жорий йилнинг 5 июнида Осиё биринчилигида ва сентябрь ойида эса Болгария шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди, — дейди коллеж директори, самбо бўйича жаҳон чемпиони Шуҳрат Хўжаев. — Умид қиламизки, у жаҳон чемпионатида ҳам ғалаба қозониб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаради.

**Шавкат НОСИРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### БОҒЧАДА РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

Шўрчи туманидаги 8 боғча-мактаб мажмуасида тарбиячиларнинг республика амалий семинари бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари тумандаги 2- ва 9-мактабгача тарбия муассасаларида инновацион жараёнлар ва тажриба синов ишларини ташкил этиш, уларни бошқариш ҳамда мувофиқлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш баробарида ўзаро тажриба алмашишди. Иштирокчилар семинар дастури бўйича Шўрчидаги машҳур Далварзинтепа археологик музейи филиалида ҳам бўлиб, кўҳна Сурхон заминидан топилган қадимий тепалик ва шаҳарсозлик тарихи ҳунармандчилик маданияти ёдгорликлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Даврон ОРИПОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

ҚИЛМИШ

# ТЕКШИРУВЧИНИНГ ОШИҒИ... СИНДИ

*Бирон-бир ташкилотда тафтиш ўтказишнинг ўзига яраша машаққати ҳам, мароқли томонлари ҳам борки, уларни ҳамма ҳам билавермайди. Бир томондан қараганда, неча йиллик чанг босиб ётган ҳисоботлар, ҳужжатларни ўқиб, рақамларни бир-бирига таққослаб, йўл қўйилган хато-камчиликларни топиш осон иш эмас, албатта. Иккинчи томондан эса... текширувчининг айтгани айтган, дегани деган бўлади. Раҳбардан тортиб, то бош бухгалтергача атрофида парвона бўлишади, нимаики оғзидан чиқса, ҳаммасини муҳайё қилиш учун елиб-югуришади. Сув сўраса шарбат узатишади, ўтиришга стул қидирса креслога таклиф қилишади... Буни Бўка туманида яшовчи, илгари бир-иккита ташкилотларда аудитор бўлиб ишлаб келган Фурқат Сайдавудов яхши биларди. Очиғини айтганда, тафтишчиликнинг айнан ана шу иккинчи томони оҳанрабодек уни ўзига тортарди.*

Асли касби бухгалтер бўлган Ф.Сайдавудов 2006 йилдан буён ёлчитиб бирон жойда ишламасди. 2008 йил куз ойларида у аввал бирга ишлаган собиқ ҳамкасби орқали Оққўрғон туманига бориб, у ерда Асад ака деган киши билан танишиб қолади. Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида яшовчи Асадулла Назарқосимов ҳам аудитор бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган тафтиш жараёнларига мутахассис сифатида жалб этиб келинган. Фурқатнинг у билан танишишдан нияти ҳам бирон-бир тафтишда қатнашиш эди. Бахтига А.Назарқосимов уни ноумид қилмади. Оққўрғон туман прокуратураси томонидан марказий шифохона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилгани, тайинланган ҳужжатли тафтиш ўтказиш учун ўзига ёрдамчи қилиб олишини айтди. Кўпни кўрган Асад акаси гап охирида маънодор қилиб «уч-тўрт сўмлик бўлиб қоласан» деб эслатиб қўйишни ҳам унутмади. Бундан керакли маънони уққан Фурқатнинг эса севинчи ичига сиғмай кетди, ғайрати жўшди.

Енг шимариб ишга тушиб кетган Ф.Сайдавудов тафтишни марказий касалхона билан молиявий муносабатда бўлган ташкилотларда қарама-қарши текширув ўтказиш билан бошлади. Бу жараёнда Оққўрғон туманидаги 14-дорихонага тааллуқли ҳужжатлар ўрганиб чиқилди ва бирон-бир қонун бузилиши аниқланмади. Бу ердан кутилган натижани ололмаган А.Назарқосимов уни яна марказий касалхонага юборди. Бу ерда жарроҳ Мустафо Юсупов унга бир нечта аризаларни тақдим этди. Энди Ф.Сайдавудов тиббиёт бирлашмаси бош педиатри Турсунбой Душабоев ва травматолог-шифокор Зафар Раимқуловга нисбатан фуқаролардан тушган шикоят аризаларини текшириши керак эди. Аризаларда болалар врачлик маслаҳат комиссияси раиси Т.Душабоев, шифокор З.Раимқуловлар ҳужжатларни сохталаштириб, фуқароларга ноқонуний ногиронлик бериш эвазига улардан пул олиб келишаётгани битилган эди.

Текширувни бошлаган тафтишчи М.Юсупов билан Т.Душабоевни юзлаштириб, улардан тушунтириш хати олди. З.Раимқулов навбатчиликда бўлгани учун ундан тушунтириш хати олинмади. Адолат ўрнатишни даъво қилиб текширувни бошлаган тафтишчи ноқонуний, деб даъво қилинаётган 9 беморнинг касаллик варақаларидан кўчирмалар олишдан нари ўтолмади. Асли касби бухгалтер бўлиб, тиббиётнинг бирон-бир кўчасидан ўтмаган шахсдан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин? Чунки, аризаларда кўрсатилган ҳолатларнинг ҳақиқатда бор-йўқлигини аниқлаб топиш учун жиддий текширув ўтказишга Ф.Сайдавудовда на қонуний асос, на мутахассислик малакаси бор эди.

Шунинг учун ҳам текширувни бошлашга бошлаб қўйиб, бу ёғига нима қилишни билмай қолган тафтишчи яна Асад акасига учради, унга қилган ишлари ҳақида ахборот бериб, йўл-йўриқ сўради. А. Назарқосимов ҳам унинг аҳволини тушунган бўлиб, кўчирмаларни Тошкент педиатрия институтига олиб бориб, у ердаги мутахассислар ёрдамида ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини аниқлаб келишни тайинлади. Ф.Сайдавудов институтга йўл олиб улгурмаган ҳам эдики, А.Назарқосимовдан текширувни тўхтатиш ҳақида кўрсатма олди. Жиноят ишини юритаётган Оққўрғон туман прокуратураси терговчиси касалланиб, шифохонада даволанаётгани сабабли текшириш ишларини олиб бориш мумкин эмас экан.

Шундан кейин Оққўрғон туман марказий касалхонасини текшириш жараёни тўхтатилди. Лекин, бош педиатр Т.Душабоевга нисбатан қўрқитув, тазйиқлар кучайса кучайдики, тўхташ аломати сира сезилмади. Текширувчилар А.Назарқосимов, Ф.Сайдавудовлар унинг ҳали у ёғидан, ҳали бу ёғидан ўтиб, ҳоли-жонига қўйишмади. Охир-оқибатда уни ноқонуний ишлар қилганликда айблаб, қўрқитиш йўли билан 3 минг 200 АҚШ доллари беришга кўндиришди. Текин даромад ишқибози бўлган бу тафтишчилар ўзларича эҳтиёт чораларини ҳам кўриб қўйишди. Пулни олишга А.Назарқосимов Ф.Сайдавудовни юборди. Пул бериладиган жой сифатида текширувчилар Қуйичирчиқ туманидаги Дўстобод шаҳрида жойлашган хонадонлардан бирини танлаб, Т.Душабоевга ана шу ерга етиб келишни тайинлашди. Бу ерда Ф.Сайдавудов бош педиатр узатган бир даста АҚШ долларини чўнтагига жойлади-ю, лекин қувончи кўпга бормади. Тўсатдан атрофида пайдо бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳозиргина мўмай пулни тутиб яйраган қўлларидан маҳкам ушлашган топда унинг кўзлари мошдек очилди. Лекин энди кеч бўлган эди...

Текширувчилар томонидан тазйиқ остига олинган Т.Душабоев уларнинг шубҳали хатти-ҳаракатлари ҳақида Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат этган экан. Ушбу бошқарма ҳамда вилоят прокуратураси ходимларидан иборат тезкор-тергов гуруҳи ўтказган тадбир натижасида текширувчиларнинг таъмагирлигига нуқта қўйилди.

А.Назарқосимов Ф.Сайдавудовларга нисбатан жиноят ишини Ўртачирчиқ туман суди кўриб чиқди. Судланувчилар айбига қисман иқрорлик билдириб, қилмишини хаспўшлашга уринишса-да, уларнинг қонуний жазодан қутулиб қолиш учун қилган ҳаракатлари бекор кетди. Уларнинг айби жиноят ишидаги тезкор тадбир баённомалари, маълумотномалар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, юзлаштириш баённомаси, суд-кимёвий ҳамда суд-фоноскопик экспертизаларининг хулосалари билан ўз тасдиғини топди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида қатнашган Оққўрғон туман прокуратураси терговчиси Эркин Тугизбоев А.Назарқосимов унга Т.Душабоев устидан фуқаролардан ариза тушганини айтганда, бунга жавобан «Агар шундай ҳолатлар бўлса, шу фуқаролар туман прокурорига ариза билан мурожаат қилишсин, сизни улардан ариза олиб, текширишга ҳаққингиз йўқ, ариза ҳам олманг, умуман больница ишларига аралашманг» деганлигини, А.Назарқосимов билан Ф.Сайдавудовлар Т.Душабоевдан пул талаб қилиб олишганидан мутлақо хабари бўлмагани ҳақида кўрсатма берди.

Афсуски, ҳаётда ҳамма ишлар ҳам биз айтгандек бўлиб чиқавермайди. Йўқса, иккала аудитор ўз ваколати доирасидан чиқиб, айнан терговчи «Қилманг» деб тайинлаган ножўя ишлар билан зўр бериб шуғулланиб юришганини қандай баҳолаш мумкин? Марказий касалхонадаги қонун бузилиши ҳолатларини ёпиб бериш эвазига бош педиатрдан пул талаб қилишга қандай ҳадди сиғди экан уларнинг?..

Суд ҳукмига кўра, Ф.Сайдавудов, А.Назарқосимовлар Жиноят кодексининг 211-моддаси 2-қисми «б» банди ва 168-моддаси 2-қисми «а», «в» бандлари билан айбли деб топилиб, уларни 5 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларнинг ишларига беҳуда аралашиб, ноқонуний текширув ўтказиш ҳолатларига қарши кенг миқёсли чоралар кўрилмоқда. Бу иллатга чек қўйиш учун кейинги йилларда зарур ҳуқуқий база яратилди. Қолаверса, фуқароларимизнинг ҳам ҳуқуқий савияси кўтарилиб, йилдан-йилга ўз ҳақ-ҳуқуқини билиб бормоқда. Қисқаси, қўли эгри текширувчининг таваккал отиб юборган ошиғи доимо олчи келаверадиган замонлар энди ортга қайтмайди. Буни, айниқса, текширув ёки тафтиш баҳонасида ҳамёнини қаппайтириб олиш ниятида юрадиган кимсалар унутмаслиги зарур.

**К. ҚОДИРОВ**

ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

# Мирзо Қўқонбой

### ҲАЁТ ҒАРОЙИБ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ

Биз узоқ ва яқин ўтмишда яшаган ўрта осиёлик машҳур сиймоларни қанчалик билмайлик, француз адиби Стендаль ифодаси билан айтсак, тасодиф жанобларининг амри билан фан ва маданият оламида чуқур из қолдирган янги-янги олимлар, шоир ва ёзувчиларнинг номлари тарих қаъридан чиқиб келаверади.

Шундайлардан бири ушбу мақоламиз қаҳрамони Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзодадир.

### ҒАРОЙИБ ТОПИЛМА

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида Шуҳрат Абдухолиқов исм-шарифли самарқандлик йигит ота-бобосидан қолган уйини таъмирлаётган вақтида ертўладан чириб, чанг босиб кетган каттагина жомадонни топиб олади. Бу кутилмаган топилма Шуҳратни довдиратиб қўяди. Жомадон ичида нима бўлиши мумкин? Николай давридан қолган тилла тангаларми ё қимматбаҳо маъданлардан ясалган буюмлар-у, дуру гавҳарларми? Агар жомадон ичидан кимларнингдир бош чаноқлари-ю суяклари чиқса, унда нима бўлади?..

Шуҳратжон дарҳол ҳушёр тортиб, акасига қўнғироқ қилди. Адлия соҳасида хизмат қилаётган акаси зудлик билан етиб боришини айтди. Шуҳратжон акаси келгунича юраги ҳаприқиб, гоҳ ташқарига чиқиб, уни кутар, гоҳ ертўлага тушиб, жомадоннинг жойида турган-турмаганини текширар эди. Кўп ўтмай, Талъат Абдухолиқов етиб келиб, ака-ука жомадонни секин оча бошладилар. Жомадондан сарғайиб, ақсар саҳифалари титилиб кетган 200 дона дафтар чиқди. 12 ва 24 варақли бу дафтарларга араб ёзувида нималардир битилган эди. Талъатжон ҳам бу дафтарларнинг кимга тегишли эканини ва уларда нималар ёзилганини билмасди. У ҳаяжонини бироз босиб олганидан кейин, укасининг савол аломати бўртиб турган юзига қараб, деди:

— Болалик пайтларимда раҳматли дадам ўз оталари тўғрисида кўп ғаройиб гапларни айтиб берардилар. Афсуски, бу гапларнинг кўпи ёдимда қолмаган. Аммо дадамнинг айтишларича, бобомиз ўз даврининг пешқадам кишиларидан бир бўлганлар. "Самарқандда ўша пайтлар отамдек донишманд, маърифатпарвар, бир неча тилларни билган адиблар кўп бўлмаган. Отамиз ўша улуғлардан бири бўлганлар", — дер эдилар дадам...

Талъатжон шу гапларни айтгач, дафтарлардан икки-учтасини олиб, чангини қоқиб, букланиб қолган саҳифаларни силаб-текислаб, аста варақлай бошлади. Араб ёзувидан хабарсиз бўлгани учун дафтарлар унга гапирмади. У дафтарларда нималар ёзилганини билолмади.

— Университетда таниш домлалар бор, араб ёзувини биладиган. Шуларга кўрсатсак, бу дафтарларда нималар ёзилганини айтиб беришади. Балки дадам айтганларидек, бобомиз адиб бўлгандирлар. Агар шундай бўлса, бу дафтарлар фақат биз, набираларнигина эмас, балки олимларни ҳам қизиқтириб қолса ажаб эмас.

1997 йилнинг куз ойларида таниқли тожик адабиётшуноси Расул Ҳодизода ўғли билан бирга Талъат Абдухолиқовнинг уйида меҳмон бўлади. Мезбон бир пиёла чой атрофидаги суҳбат чоғида бояги дафтарлардан сўз очиб, қизиқиб қолган меҳмоннинг илтимоси билан уларни кўрсатади. Меҳмон дафтарларни варақлар экан, қаттиқ ҳаяжонга тушиб:

— Бобонгиз забардаст адиб бўлган кўринадилар. Мана бу дафтарда "Намоз", мана бунда "Тоғ қизи" романлари, мана буларда эса "Жиззах қўзғолони" ва бошқалар ёзилган. Назаримда, бу асарлар ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Имкон топиб, уларни нашр қилинг. Бу сизнинг невaралик бурчингиз, Талъатжон, — деди.

Шундан кейин кўп ўтмай, Расул Ҳодизода янги топилма ҳақида "Гули мурод" журналида мақола эълон қилди.

Талъатжон эса Моҳира Бобоева ва Вафо Назаров сингари самарқандлик шарқшунос олимлар ёрдамида бобосидан қолган адабий меросни ўрганиш ва кирилл ёзувига ўтказишга киришди... Бадиий асарларнинг аксари тожик тилида ёзилганлиги учун у истеъдодли адабиётшунос ва носир Шавкат Ҳасановни таржима ишларига жалб этди. Нотаниш ёзувдаги асарлар компьютерга туширилгач, у бобоси асарларини ўқиб, ундан тилла билан баравар, балки ундан да қимматли мерос қолганидан боши осмонга етди.

* * *

Камина Чўлпон ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар ахтариб, давлат архивларидан бирида ишлаб юрардим. Шундай кунларнинг бирида бир хуфяномага кўзим тушиб қолди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: "...1927 йили Самарқандда Қўқонбой Абдухолиқнинг уйида бўлиб ўтган зиёфатда мен, Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Мунаввар қори ва хонадон соҳиби иштирок этганмиз. Зиёфат Мунаввар қорининг Самарқандга келиши шарафига берилган эди... Қўқонбойнинг шу уйига кейинчалик Чўлпон кўчиб кирган. Қўқонбой Мунаввар қори гуруҳига мансуб эски жадидлардан биридир..."

Хуфяномадаги шу сўзларни ўқигач, Қўқонбой Абдухолиқ ёки Абдухолиқов ҳам 30-йилларда ҳибсга олинган бўлса керак, деган хаёл билан унинг жиноий-архив ишини ахтаришга киришдим. Лекин на унинг "дело"сини, на бошқа "дело"лардан у ҳақдаги бирор маълумотни топишнинг иложи бўлмади.

Шундай армонли кунларнинг бирида Мунаввар қори Абдурашидхонов шарафига дастурхон ёзган, Самарқанддаги ўзбек давлат театрида адабий эмакдош бўлиб ишлаётган Чўлпонга бошпана берган кишининг адабий мероси топилганлиги ҳақидаги хабар каминани ларзага келтирди.

### САМАРҚАНДЛИК НОМАЪЛУМ АДИБ

Мирзо Қўқонбой Абдухолиқовнинг рус тилида ёзилиб машинкаланган, бир саҳифадан мўлроқ таржимаи ҳоли мавжуд. Ундан маълум бўлишича, у 1869 йили Қўқонда туғилган. У самарқандлик машҳур шоир ва ёзувчилар — Сидқий-Ажзийдан 5 ёш кичик, М.Беҳбудийдан 6 ёш, Садриддин Айнийдан 9 ёш, ҳожи Муиндан эса 14 ёш катта бўлган. Балки шунинг учунми ё бошқа сабаб биланми, Мирзо Қўқонбойнинг бу қаламкаш биродарлари билан яқин алоқада бўлганлигини тасдиқловчи маълумот ҳозирча учрамади.

У Самарқандда эски мактабни тугатиб, икки-уч йил давомида мадраса таълимини олгач, ҳамшаҳар биродарларидан фарқли ўлароқ, шаҳардаги рус билим юртининг 4 синфини тамомлаган. Отаси тожик, онаси эса ўзбек бўлган.

Мирзо Қўқонбойнинг маҳаллий ёшлар орасида рус тилини яхши билган йигитлардан бўлиши унинг кейинги ҳаёт тарзини белгилаб берди. У 1893 йилдан эътиборан суд ва маъмурий муассасаларда таржимон бўлиб ишлай бошлади. Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги ҳужжатларга қараганда, у 1908 йил 12 августдан 1918 йилга қадар Самарқанд уезди бошлиғининг девонхонасида таржимон бўлиб хизмат қилган. Унинг таржимонлик фаолияти 1917 йил воқеаларидан кейин ҳам давом этди. Ўзбекистон Адлия халқ комиссарлиги томонидан 1925 йил 10 сентябрда берилган ҳужжатдан аён бўлишича, Қўқонбой Абдухолиқов шу йилларда шўро давлатининг турли топшириқларини бажаради. Чунончи, аҳолидан ноқонуний равишда солиқ олган волость ва қишлоқ ижроия қўмиталарини текшириш ҳамда тегишли чоралар кўриш учун Нурота уездига кенг ваколат билан юборилади. 20-йилларнинг ўрталарида рус тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини маҳаллий тилларга таржима қилиш масаласи кун тартибига қўйилгач, шу соҳада жонбозлик кўрсатиб, биология, антропология, шунингдек, зоология, ботаника каби фанлар бўйича яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилади. Қўқонбой Абдухолиқовнинг таржимонлик фаолияти "Тожикнашр" нашриётининг Самарқанд шўъбаси иш бошлаган 1925 йилдан то умрининг сўнгги кунларига қадар узлуксиз давом этади.

Қўқонбой Абдухолиқов айни пайтда Бутуниттифоқ бинокор ишчиларининг касаба иттифоқи Ўзбекистон марказий идорасида таржимон бўлиб ишлайди (1928 йилдан), Ўзбекистон илмий ходимлар уюшмасининг Самарқанд бўлимига аъзо бўлади (1932), тожик тили терминологиясини ишлашда фаол иштирок этади (1934 йилдан), Тожикистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо этиб қабул қилинади (1941).

Мирзо Қўқонбойнинг отаси самарқандлик косиб бўлиб, 1868 йили чор Россияси Самарқандни босиб олганида, оиласининг кейинги тақдиридан хавотирга тушиб, Қўқонга кўчиб борган. Орадан бир йил ўтиб, тўнғич фарзанди дунёга келганида, унга Абдулҳақ деб ном берган. Аммо қўни-қўшнилар, уларга қўшилиб Абдухолиқ отанинг ўзи ҳам фарзандини Қўқонбой деб чақиришган. Бу ном ҳатто расмий ҳужжатларда ҳам Қўқонбой Абдухолиқов тарзида ўз аксини топган.

1875 йили Қўқон хонлиги ҳам рус қўшинлари олдида таслим бўлади. Абдухолиқ ота шундан кейин яна она шаҳрига кўчиб бориб, Қўшҳовуз маҳалласидан уй-жой сотиб олади. Мирзо Қўқонбой Самарқанддаги мадрасаларнинг бирида араб ва форс тилларини, рус билим юртида эса рус тилини қунт билан ўрганиб, 1891-1893 йиллар орасида Москвага сафар қилади.

ТАЪЛИМ

# ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ЁШЛАР

## *Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли муассасаларда жорий ўқув йили катта ютуқ ва муваффақиятларга бой бўлди*

*Юртбошимиз раҳнамолигида таълим соҳасига берилаётган эътибор, тизимда амалга оширилаётган тубислоҳотларнинг мазмун-моҳияти келажак учун етук кадрлар тайёрлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» талаблари асосида юртимизнинг таълим-тарбия муассасаларида кенг кўламда таҳсинга лойиқ ютуқларга эришилди. Албатта, бу ютуқлар мустақил давлатимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлиши учун хизмат қилмоқда.*

Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли муассасаларда ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Буни биргина фан олимпиадаларида иштирок этган ўқувчиларнинг эришган муваффақиятлари ва ўқитувчилар ўртасида давлат таълим стандартлари талабига мувофиқ ўтказилган мониторинг таҳлиллари ҳам кўрсатиб турибди. Бундай ижобий кўрсакичларга янги мазмун ва шаклдаги ўқитиш усуллари, тажрибали педагогларнинг юксак салоҳияти ва машаққатли меҳнатлари туфайли эришилмоқда.

— Тасарруфимизда 1106 та мактаб бор, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра Саидов. — Уларда таҳсил олаётган 585111 нафар ўқувчига 55939 нафар ўқитувчи билим бериб келмоқда. Буни тафаккур синови бўлган фан олимпиадаларининг натижалари кўрсатиб турибди. Республикамизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Қашқадарёда ҳам қатор фанлар бўйича олимпиадаларнинг 5-8 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган I босқичида 188021 нафар ўқувчи қатнашди. Туманлар ва шаҳарлар ўртасида ўтказилган фан олимпиадасининг II босқичида 1120 нафар ғолибликни эгаллаган ўқувчиларнинг ҳужжатлари III босқичга тавсия қилинди. Ўтган йили кимё фанидан Тошкентда ўтказилган олимпиаданинг саралаш босқичида биздан 10 нафар ўқувчи иштирок этди. Ғузор туманидаги 68-ихтисослашган мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Охунжон Файзуллаев бронза медалини қўлга киритгани нафақат унинг оиласи ва устозларини, балки вилоятимиздаги педагогик жамоанинг ҳам кўнгилини тоғдек кўтарди. Туманлараро умумий таҳлил жараёнида Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ тумани ўқувчилари юқори натижаларни қўлга киритишди. Ўтказилаётган спорт мусобақалари ҳам ёшларимизнинг жисмонан соғлом, руҳан баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ўтган йилда вилоятда мактабларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларига 38 миллиард 596 миллион тўққиз юз минг сўм ажратилган эди. Жорий йилда 37 миллиард 396 миллион саккиз юз минг сўмлик иш бажарилди. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан янги мактаблар қурилди, 48 таси капитал реконструкция қилиниб, 76 таси капитал, 58 таси жорий таъмирдан чиқарилди.

Педагог ходимларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг нуфузини оширишда алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётган вилоят ҳокимлигидан ўқитувчиларимиз миннатдор. Яқинда вилоят ҳокими томонидан қатор туманларга, жумладан, Касби туманининг ибрат кўрсатган илғор мураббийларига 20 миллион сўмлик эсдалик совғалари топширилди. Вилоят бўйича 1223 нафар ўқитувчи моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Дарҳақиқат, вилоят халқ таълими тизимида амалга оширилаётган бундай эзгу ишларнинг ёшларнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратади.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг ахборот хизмати раҳбари Севин Очилов ҳамроҳлигида Қарши шаҳридаги 29-умумтаълим мактабида олиб борилаётган ишлар билан танишар эканмиз, аввало бу масканда таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилганининг гувоҳи бўлдик. Ўқиш жараёнини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш учун яратилган имкониятларни кўриб кўз қувонади.



— Биз ўқувчиларимизни доимо ташаббускор бўлишга ўргатамиз, — дейди мактаб директори Муаззам Хидирова. — Бунинг учун аввало пухта таълим-тарбия беришга ҳаракат қиламиз. Мактабимизда таълим олаётган ўқувчиларнинг барчаси юртимизнинг энг нуфузли олий ўқув юртларига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани бизни қувонтиради. Табиийки, бу интилувчанлик ўқитувчилардан ҳам катта масъулият талаб қилади. Масъулиятни ҳис этган ўқитувчигина бундай теран фикрли ёшларимизни ўқитишга муносиб бўлади.

Мактаб раҳбари таъкидлагандек, бу ерда нафақат таълим сифати, балки спорт соҳасида эришилган ютуқлар ҳам бир талай экан. Буни спортнинг турли йўналишларида ўқувчиларнинг қўлга киритган ютуқлари ҳам кўрсатиб турибди.

— Спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди кикбоксинг бўйича республика ғолиби Бахтиёр Салимов. — Болалигимдан спортнинг шу турига қизиқаман. Ушбу йўналиш бўйича республикамизда биринчи ўринни олганимни ҳаётимдаги бахтли дақиқалардан бири деб ҳисоблайман. Мен билан бирга мусобақаларда мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари ҳам иштирок этиб, 13 нафар тенгдошларим спортнинг турли йўналишлари бўйича фахрли ўринларни эгалладилар. Ҳали ўз билимимиз, кучимизга таяниб, жаҳон мусобақаларида қатнашмоқчимиз.

Қарши шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби фаолияти билан танишарканмиз, педагогик жамоаси аъзолари таълим масканини «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» жамғармаси эътиборига тушгани ҳақида ғурурланиб гапиришди. Жамғарманинг ижтимоий дастурлари ва лойиҳаларига кўра, бу масканда таъмирлаш ишлари билан бир қаторда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Мактабдаги очиқ дарсларда «Баҳс-мунозара», «Мушоира», «Айланма стол атрофида», «Карусель» ва бошқа ўқитишнинг илғор усулларидан кенг фойдаланаётганини биз учун янгилик бўлди. Педагогик жамоада ота-оналар, маҳалла ва ички ишлар нозирлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Ўқувчилар спортнинг теннис, шашка, шахмат турлари бўйича эришган ютуқлари ҳам мақтовга лойиқ. Бундай ижобий натижани Шаҳрисабз туманидаги 66-, Ғузор туманидаги 1-, Қарши туманидаги 14-умумтаълим мактабларининг фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин.



Ўқувчиларнинг дарсдан бўш пайтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш мақсадида қизиқишларига қараб, ижодий имкониятини намоён этувчи, касб-ҳунарга йўналтирувчи марказларнинг ташкил этилгани янада яхши самара бермоқда. Буни Қарши шаҳридаги Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказининг истеъдодли болалари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

— Биз ёш ихтирочи техникларни тайёрлаймиз. Тўгарагимизга турли мактаблардан бир қанча ўқувчилар қатнашади. Улар ўзлари қизиққан соҳалар бўйича изланиш олиб бормоқда, — дейди ижодиёт маркази раҳбари Ҳалим Аҳмедов. — Ўқувчилар «Фазогирлар», "Кемасозлик", "Хонада учувчи самолёт моделлари", "Автомодель" кўрик-танлов ва мусобақаларида фаол иштирок этиб, республикада фахрли ўринларга эга бўлмоқдалар. Тўгаракнинг кундалик дафтарига болаларнинг қатнашиш даражасини қайд этиб, уларнинг уйига бериб юборамиз. Ўз навбатида ота-оналар ҳам тўгаракнинг ўз фарзанди дунёқарашига, ҳаётига нечоғли таъсир этаётгани хусусида муносабатларини баён этишади. Машғулотлар ёшларимизни Ватаннинг салоҳиятли фарзандлари бўлиб етишишларига пухта замин яратмоқда.

Қатъий ишонч билан айтилган бундай сўзларни Ижодиёт марказидаги ҳар бир ўқитувчидан, ўқувчидан эшитиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, вилоят таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар эътирофга молик. Ўқув йили ва чораклар якунида ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари суҳбат, ёзма иш, тест синовлари ва амалий ишлар натижалари асосида аниқлаб борилаётгани таълим-тарбия самарадорлиги яхши йўлга қўйилганидан дарак беради. Қолаверса, ўқув йилини кўплаб ютуқлар билан якунлаган минглаб мактаб битирувчиларини ўзи танлаган соҳа бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига йўналтириш ишлари таълим масканларининг алоҳида эътиборида экани қувонарлидир.

**Адиба УМИРОВА,**
**«Hurriyat» мухбири.**

**Суратларда:** *таэквондо бўйича ўтказилган кўплаб мусобақалар ғолиби, Қарши шаҳридаги 29-мактабнинг 6"А" синф ўқувчиси Аҳрор Қўйлиев; вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази раҳбари Ҳаким Аҳмедов ҳамда самолётсозлик тўгараги раҳбари Бобомурод Қодиров шогирдлари билан машғулот пайтида.*

# КИМ БЎЛГАН?

Ана шу сафар чоғида Қўқонбойнинг рус тилини билиш даражаси синовдан ўтиб, маъмурий идораларда таржимон, суд жараёнларида эса котиб бўлиб ишлай бошлади.

Мирзо Қўқонбой суд ва маъмурий муассасаларда ишлаш чоғида, бир томондан, оддий ва жабрдийда халқ ҳаётини яқиндан ўрганиш, иккинчи томондан, мустамлакачиларнинг асл қиёфасини, мақсад ва маслагини кўриш ва тушуниш имкониятига эга бўлди. Шу икки нарса адиб дунёқарашининг шаклланиши, ватанпарвар, халқпарвар, эркпарвар ва тараққийпарвар бўлиб улғайишида муҳим омил бўлди.

* * *

Камина Мирзо Қўқонбой ҳаёти ва ижоди саҳифаларини назардан ўтказар эканман, унинг XX аср бошларида яшаган бошқа жадид маърифатпарварларидан кескин фарқ қилганини кўрмай иложим йўқ. У уезд бошлиғи девонхонасида таржимон, суд жараёнларида котиб бўлиб хизмат қилгани, бинобарин, руслар яқин бўлгани сабабли, худди машҳур адвокат Убайдулла Хўжаев сингари, рус қизига уйланган. Унинг хотини Анна Карповна воронежлик аёл бўлган.

Мирзо Қўқонбойнинг хотира ва эсселари билан танишган киши унинг нафақат Пётр I давридан бошлаб XX асрнинг 40-йилларигача Россия империяси, Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида бўлган ва аксар ҳолда ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни, балки Европадаги сиёсий-ижтимоий ҳаётни ҳам яхши билганидан, ўзбек халқи тақдирига алоқадор воқеалар ривожини эса чуқур таҳлил қилганидан ҳайратга тушади. Аммо у бадиий асарлар — роман ва қиссалар ёзганида унинг табиатидаги европапарастлик излари тобора хира тортиб, XX аср бошларидаги ўзбек ва тожик халқлари ҳаётини тасвирлаш хоҳиши марказий ўринга чиқади.

Бу ҳол бадиий ижоднинг бирор жойда ёзилмаган "темир қонун"и туфайли рўй берган бўлса ажаб эмас.

### ИЖОД БОҒИНИНГ МЕВАЛАРИ

Мирзо Қўқонбойнинг таржимаи ҳолида қайд қилинишича, у 1925 йилдан бошлаб адабиёт билан шуғуллана бошлаган. Аммо у "адабиёт" деганда, бизнингча, шу йилдан бошлаб рус тилидан тожик ва ўзбек тилларига таржима қила бошлаган дарслик ва ўқув қўлланмаларини назарда тутган. Негаки, унинг "Намоз ўғри" деб номланган дастлабки романи 30-йиллар охири — 40-йиллар аввалида ёзилган. Бу асардан олинган айрим парчанинг 1940 йилда С.Айнийнинг "Тожик адабиёти намуналари" мажмуасида эълон қилингани, 15 дафтарга битилган роман қўлёзмасининг эса 1942 йил 14 июнь куни Тожикистон Давлат нашриётига почта орқали юборилгани фикримизнинг тасдиғидир. Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзоданинг бадиий ижоди, шубҳасиз, 30-йилларнинг ўрталарида бошланган. Қўлимиздаги Шавкат Ҳасан томонидан ўзбек тилига таржима қилинган "Жиззах қўзғолони" хотира-қиссаси, "Истаджон" ва "Қамчинидан қон томади" қиссаларининг 1936-1937 йилларда ёзилганлиги ҳам шундан далолат беради.

Адиб бу тилга олинган асарлардан ташқари, "Тоғ қизи" романини ва яна бир қанча кичик ҳикоялар, эсдаликлар ва қайдларни ёзиб қолдирганки, улар муаллифнинг кексайган чоғида адабий фаолият билан самарали шуғуллангани ва қисқа муддатда бадиий ижоднинг юксак довонларини забт этганидан шаҳодат беради.

XIX аср охири — XX аср бошларида зулм ва адолатсизликка қарши бош кўтарган, эл-юрт ўртасида Намоз ўғри номи билан машҳур бўлган шахс тўғрисида кўплаб асарлар ёзилган. Маълум бўлишича, Самарқанд ва унинг атрофидаги қишлоқларда ҳаракат қилиб, зулм аҳлини ларзага келтирган бу халқ қаҳрамони ҳақида Мирзо Қўқонбой ҳам роман ёзган экан. Биз бу асар билан ҳали танишиш имконига эга бўлмаганимиз туфайли қуйида академик Ботирхон Валихўжаевнинг у ҳақдаги фикрини келтириш билан кифояланамиз. Атоқли адабиётшунос Намоз билан боғлиқ воқеаларнинг Ҳалвойи, Боғибаланд, Хожа Абдуйи Берун каби қишлоқларда содир бўлганини айтиб бўлгач, бундай ёзган: "Ёзувчи бу жойларни яхши билади ва содир бўлган воқеалар тасвирининг ҳаётийлигига эришади. Романда Намоз миллий қадриятлар билимдони, адолатни ёқловчи, муҳтож ва бечораларга ёрдам қўлини чўзувчи валламат, адолатсизлик ва зулмга дадил қарши турувчи образ сифатида тасвирланган".

Ўйлаймизки, мазкур романнинг яқин йиллар ичида ўзбек ва тожик тилларида нашр этилиши бу асарнинг ғоявий ва бадиий хусусиятлари тўғрисида кенгроқ ва равшанроқ фикр юритиш имконини беради.

Ўтган йили "Зарафшон" нашриётида адибнинг "Тоғ қизи" романи тожик ва ўзбек тилларида нашр этилди. Биз бу асарнинг Шавкат Ҳасан таржимасидаги ўзбекча нашри билан танишар эканмиз, адибнинг XX аср бошларида Самарқанд ва Самарқанд атрофидаги қишлоқларда содир бўлган аянчи воқеаларнинг тирик гувоҳи бўлгани ва шу туфайли улар ҳақида келажак авлодлар учун бадиийлашган тарихий романни ёзиб қолдирганига ишонч ҳосил қиламиз.



"Минг афсуслар бўлсинки, — деб ёзади муаллиф мазкур романга илова қилган "Сўзбоши"сида, — бугунга ибрат бўладиган ва истибдод даври идора тартиботини кўрсатадиган ҳодисалар ному нишонсиз йўқликка юз тутиб кетмоқда. Ўша воқеаларнинг шоҳиди бўлганлар кундан-кунга камайиб бормоқда, натижада кечаги тарихимиз баъзан ойдинлашмасдан қолмоқда".

Муаллиф дилидаги ана шу армоннинг Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний сингари адиблар туфайли қисман ушала бошлагани унда "яқин тарихимиз масалаларига эътибор бериб, мудҳиш воқеалар сир-асрори юзидан пардани кўтариш" ҳавасини уйғотган. Ва у "анча олдинроқ ёзиб қўйган қайдларини роман ё қисса шаклига солиш", "китобхонларни кечаги нохуш воқеалар билан таништириш" ниятида мазкур романни ёзишга киришган.

"Тоғ қизи" романида Биринчи жаҳон уруши бошланган кезлардан 1917 йил воқеларигача бўлган ўзбек ва тожик халқлари ҳаётининг мураккаб даври қаламга олинган. Адиб бу асарида Моҳзода ва Қурбон ҳамда уларнинг жабрдийда оталари Жума билан Ниёзбой образлари орқали икки халқ ҳаётининг шу даврдаги "ваҳшатангиз" манзараларини ҳаққоний ва маҳорат билан тасвир этган. Биз бу асарда уни нафақат қаҳрамонларни мураккаб воқеалар силсиласида тасвирлаган, балки шу воқеалар ривожини тарихий давр контекстида тасвирлай олган, аналитик (таҳлилий) тафаккурга эга бўлган ижодкор сифатида ҳам кашф этамиз.

Мирзо Қўқонбойнинг "Истаджон" ва "Қамчинидан қон томади" қиссалари юқорида тилга олинган ҳар иккала романдан мавзуси билан ҳам, услуби билан ҳам, уларда кўтарилган маънавий масала жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади. Ўзи айтмоқчи, "ёши бир жойга бориб қолган" вақтда роман ва қисса ёзишга киришган муаллиф учун оталар ва болалар муаммосидек ғоят муҳим масала йўқ эди. Адиб "Қамчинидан қон томади" қиссасида ўз даврининг тараққийпарвар кишиларидан бири сифатида шу масалада оталар тарафини олмайди, балки улар измидан чиқиб, янги тарихий давр билан баравар қадам ташлашни ва ҳаётини янгича асосда қуришни истаган ёш авлодни ўз ҳимоясига олади. "Истаджон" қиссасида эса ота-онанинг иссиқ бағрида бирор қийинчилик кўрмай ўсган, бинобарин, мустақил ҳаётга тайёрланмай улғайган фарзанд образини яратган. Адиб бу ношуд йигитнинг уйланганидан кейин ҳам ота ҳисобига яшашда давом этганида, ҳатто отаси дўкон очиб берганидан сўнг молни мутлақо бегона ва турар жойи ноаниқ кимсаларга насияга бериб юборганида ҳам уни эмас, балки отасини айбдор, деб ҳисоблайди. У мазкур қиссаси билан фарзанднинг қандай улғайиши ота-онага, улар берган таълим ва тарбияга боғлиқ, деган ғояни илгари сурган.

Мирзо Қўқонбойнинг адабий меросидаги яна бир муҳим асар "Жиззах қўзғолони" хотира-қиссасидир. 1916 йилги Жиззах қўзғолони қатнашчилари устидан бўлиб ўтган суд жараёнида шахсан иштирок этган адиб бу мемуар асарида Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг ғайримиллий ва ғайриинсоний моҳиятини аниқ ҳаётий факт ва воқеалар тасвири орқали рўйрост очиб ташлаган. Туркистондаги бу ва бошқа қўзғолонларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб берган. Шу маънода бу асар мамлакатимиз тарихининг мустамлакачилик даври ҳақидаги муҳим тарихий ҳужжатдир.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳаёти ва ижодий фаолияти билан эндигина таниша бошлаганимиз Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода XIX аср охири — XX аср бошларида Самарқандда яшаган маърифатпарварлардан биридир. У бошқа қаламкаш биродарларидан фарқли ўлароқ чор ҳукумати идораларида таржимон сифатида хизмат қила туриб, маҳаллий халқнинг ҳуқуқ ва манфаатлари шу ҳукумат томонидан топталганини ўз кўзи билан кўрди ҳамда мустамлакачилик сиёсатининг ваҳшатли оқибатларини бадиий ва мемуар асарларида ёрқин ифодалади. Шу нарсанинг ўзиёқ, бизнингча, унинг М.Беҳбудий, С.Айний, А.Шакурий, Ҳожи Муин, Саид Ризо сингари самарқандлик машҳур маърифатпарварлар қаторидан жой олишига тўла ҳуқуқ беради.

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори.**



## Таҳририятга хатлар

### Тушдаги башорат

Айтишларича, XIII аср бошларида Аҳмад Яссавий хонақосида хизмат қилиб юрган Айнуззамон Жамолиддин Гейли деган одам Нажмиддин Кубро овозасини эшитиб, Туркистондан Хоразмга йўл олади. У бир қанча китобларини ўзи билан бирга олиб чиққан эди. Хоразмга яқинлашганда, кечаси туш кўради. Тушида Нажмиддин унга қараб: "Эй Гейли, орқангдаги юкингни ташла!", — дейди. У уйғонгандан кейин, китобларини Жайҳун сувига улоқтиради. Гейли Нажмиддин Кубро билан келиб учрашган заҳоти шайх унга қараб: "Агар юкингни ташламаганингда, келишинг бефойда эди, чунки сўфийлик илми китобда эмас, балки қалбдадир".

Ҳикоятдан маълум бўлаяптики, фақат китоб ўқишнинг ўзи билангина қалбнинг покланишига эришиб бўлмас экан. Инсон китобдаги илмларни пухта ўзлаштириши ҳам шарт.

**Турсунали ЮСУПОВ,**
**Фарғона вилояти.**

### Телефондаги ахлоқсизлик

Ётоқхонадан дарсга шошиб чиқар эканман қўл телефоним жиринглади.

— Алло... ким бу... мана шу рақамдан менинг эримга қўнғироқ бўлган экан, — деган овоз эшитилди. — Кимсан ўзи, бировнинг эрини авраш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сенга, сочингни битталаб юламан, яхшиликча эримни тинч қўйсанг қўй, бўлмаса ўзингдан кўр.... Кейин алоқа бирдан узилиб қолди. Кайфиятим тушиб кетди. Бировга айтай десам, уялдим, кимга нимаям дердим. Адашиб тушгандир-да деб, ўзимни овутиб қўя қолдим. Қайтиб қўнғироқ қилишга эса юрагим бетламади. Эртаси куни яна ўша рақамдан қўнғироқ бўлиб, нотаниш аёлнинг "ширин" сўзларини эшитишга мажбур бўлдим. Бу сафар адашиб "номер" теришмаганига амин эдим...

Маҳзун кайфиятда ўтиргандим. Бир курсдошим: "Дугонажон қалайсиз, нега кайфиятингиз йўқ?", — деб сўраб қолди. Кўзларида негадир айёрона кулгу зуҳур эди. Шундан сўнг у "Сизни телефонда ҳеч ким безовта қилмаяптими", — дея пичинг қилди-да, телефонини қўшди. Ундан менга икки кундан бери дўқ-пўписа қилаётган аёлнинг "таниш" гаплари эшитила бошлади.

Кейин билсам, телефон орқали одамларни масхара қилишнинг турли усуллари чиқиб кетибди. Мен эшитганим ҳали ҳолва экан. Танишларим бундан ҳам баттарларини айтиб беришди. Ўйлаб қолдим. Наҳотки, бир инсонни бундай аҳмоқона безовта қилиш, ёшларимиз учун оддий ҳолга айланаяпти. Ҳазилнинг таги зил дейишади. Бундай қалтис ҳазил одамнинг соғлигига путур етказмаслигига ким кафолат беради?

**Зулайҳо ЮСУПОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

### Сув — мўъжиза

Япониялик олим Масару Эмотонинг фикрича сув — илоҳий неъмат, онгли мавжудот. "Муз кристалларидаги расмларга боқиб, уларда ҳали биз ўрганишимиз зарур бўлган теран донишмандлик мужассамлигини англадим, — деб ёзади у. — Табиий сув қувурдаги об-ҳаётдан кўпроқ ажойиб шаклга эга кристаллар ҳосил қила олиш хусусиятига эга бўлиб, ёқимли мусиқа таъсирида янада гўзал шаклга киради. Сув устида "раҳмат", ёки "аҳмоқсан" иборалари айтилса унда турлича шакллар пайдо бўлади".

Маълумотларга қараганда ҳар бир инсон жисмидаги сув ўзи туғилган жойдан нусха ва у бошқа ҳеч қаерда такрорланмас экан.

**Баҳодир МУСАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

### Жабрланган — ўз болам

Қумқўрғон тумани Янги шаҳар маҳалласида 3 та фарзандим ҳамда биргина набирам билан тинчгина истиқомат қилиб келаётган эдик. Иқтисодий аҳволимиз ночорлиги туфайли 1989 йили туғилган ўғлим Ҳуснилдин Дўсатов четда ишлаб, пул топиб келаман деб туриб олди. Укам Тўлқин Тошпўлатов ва унинг Ғани исмли қайниси ўғлимни турли ваъдалар билан алдаб, четда ишлаб келишга кўндирди ва 2007 йилнинг 12 март куни Қозоғистон Республикасига жўнатишди. Мана орадан икки йил ўтди ҳамки, шундан буён боламдан дом-дарак йўқ. Танишимиз Шодмон Қодировнинг айтишича, улар ўғлимни Тошкент шаҳридаги бир цехга ишга жойлаштирган экан. Ўғлим эса уйдан Қозоғистонга кетаяпман деб чиқиб кетганди. Иккиланиб, укам ва унинг қайнисидан қайта-қайта суриштираверганимдан улар охирги пайтда мендан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолишди. Ҳар хил ваҳимали гаплардан юрак олдириб қўйдим. Бизни алдаган укам бўлса, жабрланган — ўз болам. Нима қилишимни, бошимни қайси деворга уришимни билмаяпман. Албатта, алдов йўли билан бировнинг боласини сотган товламачилар бир куни қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Аммо мендек бир муштипар онаизорга бошқа нарса ҳаловат бермаяпти. Ўғлим қаерда, қандай аҳволда, уни яна қайтиб кўра оламанми?

**Гулсора ТОШПЎЛАТОВА,**
**Сурхондарё вилояти.**

# Сайтингизга киргандим

(Бошланиши 1-бетда.)

Бугун компьютерни билмаган болани илмсиз деб ҳисобласам, мени максималистга чиқармассиз, албатта. Компьютердан бехабар раҳбар, ёзувчи, шоир, олим, журналист ёки мутахассиснинг тўлақонли ишлашига ишонмайман!

Ҳали бармоғини компьютер клавишларига тегизмаган болаларимиз жуда кўплиги биз зиёлиларни жуда ташвишга солиши керак. Ҳукуматнинг компьютерлаштириш дастурига асосан коллеж ва мактабларга қимматбаҳо компьютерлар олиб берилмоқда. Аммо мен ўтган қиш Самарқанд вилоятининг бир қатор туманларида бўлиб, ана шу компьютерларнинг ярми ҳам ишлатилмаётганлигини кўрдим ва ростини айтсам, хунобим ошиб кетди. Бир жойда электр токи йўқ, бошқасида мутахассис етишмайди ва ҳоказо. Аслини олиб қарасангиз, фидойилик, жонсўзлик, ватанпарварлик оқсоқлигига ишонч ҳосил қиласиз. Самарқанд ТВсига чиқиш қилиб, анча-мунча аччиқтизиқ гапларни ҳам гапириб қўйдим. Аммо ўйлаб кўрсам, республикамизнинг бошқа туман, қишлоқларида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас экан. Биз соҳадаги мутасаддиларнинг мақтовлари ва ваъдаларига учиб қолмай, компьютерлаштиришнинг тарғиботчилари, ташкилотчиларига айланиш фуқаролик бурчимиз эканлигини исботлашимиз зарурдан-зарурдир. Бундан юз йиллар муқаддам жадид боболаримиз янги мактаблар очиб, дунёвий фанларни ўргатишга киришганларидек бир эзгу ҳаракат бошланиши керак бўлиб қолди. Биз журналистлар, ёзувчи, шоирлар, олимларнинг бу борадаги имкониятларимиз озмунча эмас.

Энг аввало, оммавий-ахборот воситалари аҳволни бўямай-бежамай кўрсатиши керак бўлади. Электр энергияси танқис жойларда ёқилғи ва қуёш нури билан ишлайдиган мосламаларни топиб беришга тўғри келади. Улар унчалик қиммат эмас. Савобталаб кишиларни ҳам топса бўлади. Шаҳарларда компьютер технологиясидан дарс берадиган муаллимлар тайёрлаш шу куннинг вазифасидир. Ҳукуматнинг бу борадаги дастури биз учун энг яхши қуролдир. Биз томондан ташаббускорлик бўлса бўлгани.

Бугунги оммавий ахборот воситаларининг энг асосий вазифаси компьютерлаштириш ва интернетдан фойдланишни тарғиб қилишдир. Аммо айрим газета-журналлар гапни бу мўъжизанинг зараридан бошлаши ғалатидир. Интернетни "ўргимчак тўри"га таққослаб, уни рўйи-рост одамлар онгини заҳарлайдиган, урушни, фисқу-фасодни тарғиб қиладиган воситага чиқариб қўйишларига йўл қўймаслик керак. Бир замонлар жадид боболаримиз (бот-бот уларга мурожаат этаётганим учун айбламаслигингизни сўрардим) янги мактаблар очишганда, мутаассибларнинг: "Бу мактаблар болаларни кофир қилади" деган даъволарига ўхшаб кетади. Начора, биз фақат жадид боболарнигина эмас, ўша мутаассибларнинг ҳам авлодимиз-да!

Менимча, компьютер инсон бир замонлар оловни кашф этиб, ундан фойдаланишни ўргангандай улкан кашфиётдир. Тўғри фойдаланилмаса, оловнинг ҳам зиёни катта бўлади. Аммо бунинг учун оловдан воз кечиш мумкин эмас!

Компьютернинг жажжи процессорлари, яъни "мияси" бошқа соҳаларга — космик кемаларга, авиацияга, автомобилсозликка, ҳатто қўл телефонига жорий қилинаётганлигига эътибор берапсизми? Сиз қўл телефонингиз воситасида истаган сайт ёки блогга киришингиз мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда, қаерда бўлишингиздан қатъи назар дунё янгиликларидан ҳали газеталарда чоп этилмасдан, ТВ иш бошламасданоқ хабардор бўлишингиз ёки дейлик Алишер Навоий, Пушкин, Эркин Воҳидов шеърларини ўқишингиз, эртага об-ҳаво қандай бўлишини аниқлашингиз, истаган мусиқани тинглашингиз, хуллас, керакли, сизни қизиқтирган маълумотни зум ўтмай топишингиз мумкин ва ҳоказолар. Бу мўъжизалар мўъжизаси эмасми, ахир?! Шундай улкан кашфиётга мағзава тўкиш керакми? Янгилик ва ошкораликдан чўчийдиганларгина шу тариқа иш тутиши мумкин.

Яқинда "Ўзбекистон матбуоти" журналининг шу йил 1-2 сонларида босилган бир мақолани ўқиб қолдим. Очиғи, у дилимга ўтиришмаганини айтишим керак. "Интернетни замонавийлик белгиси деймиз. Тўғри, дискотека ҳам замонавий кўринишлардан бири. Лекин дискотекада ярим яланғоч кийимда беҳаёларча жазавага тушишлар ҳамда унга табиатан ўхшаб кетадиган интернетдаги безбетликларни "замонавий тараққиёт" деб бўладими?" деб ёзилади ушбу мақолада. "Шу нарса аниқки, бизнинг халқимизда матбуот сўзига нисбатан эътиқод юксак. Газетада чоп этилган матн одамлар қалбида муҳрланиб қолади. Фақат интернетдаги бўлар-бўлмас маълумотлар ана шу эътиқодга соя солмасин", дея якунлайди ушбу мақола муаллифи ўз мулоҳазаларини.

Кўзгуга боқиб, энг аввало, ундаги доғни илғашга ҳаракат қилиш чикора! Надоматлар бўлғайким, бундай оҳангдаги нохуш ва ноўрин овозлар оз эмас. Вазиятни ўзгартиролмасанг, вазиятга муносабатингни ўзгартир, деган экан. Бу масалада муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз шарт! Биродарлар, жаҳон цивилизациясидан ортда қолиб кетмайлик, дегиси келади кишининг бундай пайтда. Миллатни олға чорламас эканмиз, зиёли бўлишимиздан не наф?

Хуршид! Чалғиб кетган бўлсам, узр. Тағин сайт ва блоглар масаласига қайтайлик. Бугун ҳар бир шоир, ёзувчи, журналистнинг расмий ёки хусусий сайти бўлиши давр талаби бўлиб қолди. Мен гоҳида интернетдан анчайин таниқли ижодкорлар номини излаб қоламан ва тополмай надомат чекаман. Бунисига чидаса бўлади, аммо айрим ташкилотлар, корхоналар, таҳририятларнинг сайтлари, ҳатто электрон почталари йўқлиги хунобингизни оширади.

Расмий сайт очиш мураккаброқдир, у кимларгадир боғлиқдир. Бунинг устига расмий сайтларда турли рекламалар жиғингизга тегади. Лекин хусусий сайтлар, яъни блоглар бундан мустасно. Блогни компьютер технологиясини яхши биладиган ҳар қандай киши очиб бериши мумкин. Бунинг учун ортиқча харажат ҳам, бирорта идоранинг рухсати ҳам керак эмас. Ўз блогингизга таржимаи ҳолингиз, асарларингиз ва креслосидан чўчиб, муҳаррирлар эълон қилмаган мақолаларингизни жойлаштирасиз. У бутун дунёга тарқалади. Сиз беихтиёр ошкора оламга чиқасиз, демократия эпкинларидан энтикиб кетасиз ва дунёқарашларингизда зоҳирий эврилишлар зоҳир бўлади. Шу пайтгача фақат газеталарга ишониб яшаганингиздан ҳижолат тортиб кетасиз. Бу имкониятдан фойдаланиб қолмаслик эса беғамлик ва лоқайдликдан ўзга нарса эмас.

Тўғри, бу ислоҳотлар бизда энди бошланаяпти. Ҳали сайт ҳамда блогларга кириб, уларни ўқийдиганлар оз. Жумладан, каминанинг сайт-блогига () келадиган шарҳларнинг аксарияти рус тилида бўлиб қолаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Лекин янгилик ҳамиша ўз ишини қилган ва бизнинг интернетдан оммавий тарзда фойдаланишимизга ҳам оз фурсат қолди.

Дейлик, сиз миллион сўмлаб харажат қилиб китоб чиқарасиз. Бу китоб Тошкентдаги тўрт-беш дўконда сотилади, холос. Асарингиз сайт ёки блогингизга жойлаштирилган бўлса, уни ўқиш ўнғайлиги устига жаҳонга тарқалади ва боқий қолади. Мен бу билан китобнинг муқаддаслигига заррача шак келтирмоқчи эмасман, албатта.

Гап китоб ҳақида кетар экан, "Интернетга ўрганган киши китоб ўқимай қўяди", деган даъвога ҳам қўшилмайман. Китоб ўқишга иштиёқманд киши интернетдан ҳам китоб ўқийди. Фақат қоғоздамас, мониторда "варақлайди". Ҳозир кўпгина ашаддий китобхонлар ноёб ва нодир асарларни интернетдан топиб, принтерда чоп этиб ўқимоқдалар. (Ўзим бир вақтлар Нитшени шу тариқа ўқигандим).

"Болакайлар кўпроқ компьютер ўйинлари билан андармон бўлишади", дейишади. Бугун интернет сайтларида мактаб ўқувчиси учун ўзбек тилида, лотин имлосида қанчадан-қанча мавзулар, тестлар бор. Майли, компьютер ўйинлари болалар учун ана шу мўъжизага кириш вазифасини бажарсин. Биз катталар кейин уларга клавиатурада ишлашни ўргатишимиз керак.

Хуршид, сиз раҳбар бўлган "Ўзбекистон" телеканали бир вақтлар компьютерни ўргатиш бўйича машғулотлар ўтказарди. Назаримда ўша кўрсатувни тиклаш керак. ТВнинг бошқа каналлари, газета ва журналларимиз компьютерни ўзларининг ашаддий рақиблари деб билмай, унинг ҳақиқий тарғиботчилари бўлиб қоладилар, деб умид билдираман. Бу борада фикр-мулоҳазаларингизни айтарсиз, деб ўйлайман.

**Эҳтиром ила**
**Нусрат РАҲМАТ**

## "ЭРТАГА ГАПЛАШАЙЛИК..."

Таҳририят топшириғи билан вилоятимиздаги корхоналардан бирига боришимга тўғри келди. Раҳбарнинг иши кўплигини инобатга олиб, у билан келишган ҳолда бирор кунни белгилашни мўлжаллаб, қўнғироқ қилдим.

— Хоҳлаган вақтингизда келаверинг, сизни ишхонамда кутаман, — деди у.

Эртаси куни соат 9.00 ларда қабулхонага кирганимда, бу ерда ўндан зиёд киши турли юмушлар билан унинг келишини кутаётганди. Раҳбар котибага «Мени ким сўраса, объектларда деб айтинг», деб чиқиб кетган экан.

Ҳақиқатан ҳам бошлиқ хонаси эшигига «Пайшанба соат 10.00 дан 12.00 гача қабул вақти», деб ёзиб қўйилган. Начора, бетоқат бўлаётган кишиларга қўшилиб, уни кутдим. Аммо орадан икки соат вақт ўтса-да, ҳамон ундан дарак йўқ. Шунда кимдир «Раҳбар одам ҳар қандай вазиятда режасига қатъий амал қилиши керак. Масъулиятсиз бир бошлиқ айби билан шунча вақтни беҳуда ўтказдик», дея аччиқланди. Мен эса ноилож котиба орқали раҳбарнинг қўл телефонига қўнғироқ қилдим.

— Э, режалар ўзгариб кетди, — деди у. — «Юқори»дан топшириқ бўлувди, Ҳозир вилоятда йиғилишдаман. Эртага гаплашайлик...

Бу жавобни эшитиб, у ишни қатъий режа асосида йўлга қўймас экан, вазифаларни бажариш борасида совуққон экан, деган хулосага келдим. Гап раҳбарнинг масъулияти ва кунлик режаси бор ё йўқлиги ҳақида кетар экан, бугунги раҳбар билимли, мушоҳадали, ташаббускор, замонавий компьютер технологияларини ўзлаштирган, ҳар қандай тўсиқни енгишга қодир инсон бўлиши лозим эмасми?

**Акром ҲАЙДАРОВ**
*"Зарафшон", (Самарқанд) 12.05.2009 йил.*




## НОТЎҒРИ ТАЙИНЛАНГАН НАФАҚАЛАР

Яқинда Жиззах шаҳар прокуратураси томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан текшириш ўтказилди. Натижада нафақа тайинлаш ва тўлашда бир қатор хато ва камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, «Қалия» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Г. Холматовага 2009 йилнинг январь ойидан бошлаб 3 нафар 16 ёшгача бўлган болалари учун 235.536 сўм нафақа асоссиз тайинланган. Шу каби қонун бузилиш ҳолати «Қассоблик» маҳалласида ҳам содир этилган. МФЙ раиси Б. Шодиев томонидан 2 ҳолатда 336.480 сўмлик нафақа асоссиз тайинланиб, 140.200 сўми тўлаб юборилган. «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси эса фуқаро Нодира Аширматованинг аризасига эътиборсизлик билан қараб, нафақа тайинлаш 1 ойга кечиктирилган.

Бугун мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шундай экан, хато қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари адолат мезонларига амал қилиб, холислик билан иш юритиши лозим.

**Т. САГАТОВ,**
**Жиззах шаҳар прокурори.**
*"Адолат ёлқини" (Жиззах) 22.05.2009 йил.*

## ЭР ЙИГИТНИНГ БЕЛБОҒИ

Қулоғига сирға тақиб олган, сочлари елкасидан пастроққа тушган ва хушбўй гел суртиб турмаклаган, енгсиз, тор кўйлак кийиб олган йигитларни кўрганимда «Хотинлар ўлкаси» асари ёдимга тушади. Асарда хотинлар ўлкасидаги эркаклар бола боқади, рўзғор ишларига қарайди, сигир соғади, хуллас, аёллар зиммасидаги барча юмушларни бажаради. Аёллар эса ёй отиб, ов қилишади, кураш тушишади...

Таксида келар эканман, уч-тўрт йигитнинг ўзаро суҳбати қулоғимга чалинди.

— Бой одамнинг қизига уйлансанг, яхши-да. Бирор ишга кўтарилмоқчи бўлсанг, «танканг» бўлади, ё бўлмаса қизи орқали отасининг пулини еб ётасан, — деб қаҳ-қаҳ отиб кулди улардан бири. Сурбет йигитдан жирканиб кетдим. Эркак киши «текинтомоқ», «тирик товон» бўлиб қандай яшаши мумкин? Тўғри, бу билан мен барча йигитлар ҳам шундай демоқчи эмасман. Улар орасида ориятли, эл-юрт, оиласи ҳурматига сазовор, бир сўзли, аёлларга ҳақиқий қалқон бўла оладиганлари жуда кўп.

Бироқ юқоридаги каби хотинига ўз ўрнини бериб қўйган эркаклардан кишининг кўнгли оғрийди. Ахир, оилада эркак бош бўлса, хотин бўйин ҳисобланади-ку. Тирноқларини маникюр қилдириб, сочларини ажабтовур турмаклайдиган йигитларни кўриб, «мода» десак, елкасига қоп кўтариб, бозорда юрадиган аёлларга боқиб «тирикчилик» десак, бундай оилаларда вояга етаётган фарзандларининг эртанги кунини қандай тасаввур қилишимиз мумкин? Бундай эркакларга қарата «Белингиздаги белбоғингиз ечилмасин, ўз ўрнингизни аёлларга бериб қўйманглар!» дегим келади.

**Гулмира ШУКУРОВА**
*"Бухороном" (Бухоро) 13.05.2009 йил.*

**Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.**
**Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».**

*Талабаликнинг олтин даври инсон ҳаётида ўзининг ёрқин ва ҳаяжонли дақиқалар хотираси билан муҳим ўрин тутади. Эркин камол топаётган ёшларимизнинг талабалик йиллари сермазмун ва бахтли ўтишини таъминлаш мақсадида*

AGROBANK

**АГРОБАНК**

юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлод учун ўзининг янги

**"ТАЛАБАЛИК ОЛТИН ДАВРИМ"**

номли муддатли омонатини таклиф этади!

- Маблағлар фарзандингиз 16 ёшга тўлгунга қадар қабул қилинади.
- Омонат фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида.



**Шошилинг, фарзандингиз учун мустаҳкам молиявий пойдевор яратинг!**
**Негаки мазкур омонат тури орқали Сиз фарзандингиз олий ўқув юртига кирган тақдирда таълим контрактини тўлаш учун имтиёзли таълим кредити олиш имконига эга бўласиз.**

Шунингдек, **АГРОБАНК** дан янги хорижий валютадаги **"АГРОВИЗА"** ва **"АГРОСАХОВАТ"** муддатли омонатлари таклифи:

**"АГРОВИЗА"** АҚШ долларида – **йиллик 10 фоиз;** ЕВРОда – **йиллик 8 фоиз.**
Омонатдан тушган даромад миллий валюта – сўмда тўланади.

**"АГРОСАХОВАТ"** АҚШ долларида – **йиллик 7 фоиз;** ЕВРОда – **йиллик 6 фоиз.**
Омонатдан тушган даромад чет эл валютасида тўланади.

Пулларингизни самарали бошқарибгина қолмай, Сиз пул ютуқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларнинг*, яъни музлатгич, кир ювиш машинаси, рангли телевизорлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари каби ютуқларнинг ҳам эгаси бўлишни хоҳласангиз, ўз маблағларингизни фақат **АГРОБАНК**нинг миллий валютадаги янги ютуқли омонат турларидагина жамғаринг!

Йиллик **14 фоиз** миқдорида ҳақ тўланадиган **"ОМАД"** ҳамда **"АГРОКАПИТАЛ"** муддатли ва жамғарма омонат турларида маблағингизни кўпайтириб, ОМАД соҳиби бўлинг!

Шу билан бирга, **26 фоиз** миқдорида ҳақ тўланадиган **"АГРОЛЮКС"** муддатли омонатида маблағингизни кўпайтириб, юқори даромадга эга бўлинг!

*Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.*

*Унутманг, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!*

*Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.*

**Эслатиб ўтамиз, ютуқлар миқдори ютуқ чиққан ҳисобварақларга матбуотда эълон қилинган расмий жадвалга асосан ҳар ойда ўтказиб борилади!*

**Қўшимча маълумот бўйича 150-53-65, 150-53-43 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.**

**ПУЛЛАРИНГИЗ ИШЛАЙДИ ВА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ!**

*Агробанк - юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!*

*Хизматлар лицензияланган.*

**ҲАНГОМА**

## ҲАР СОҲАНИНГ ЎЗ "ТИЛИ" БОР

*Эрталаб ишга кетаётсам бир енгил машина шундоқ ёнимга келиб тўхтади.*

*— Ишгами? Чиқинг!*

*Қарасам, таниш санъаткор.*

*— Ҳозир ғир этиб бир жойга кириб чиқамиз, — деди санъаткор ёнидаги ўриндиққа ўтирган заҳотим. — Оғайнимиз неварасига ақиқа қилаётганди, қадрдонларни ҳам бошлаб келинг деб тайинлаган. Журналистларни жуда ҳурмат қилади, сизни ҳам танийди, бир зумга кириб чиқамиз, кейин ишхонангизга ташлаб қўяман.*

*Ноилож рози бўлдим. Дарвозадан киришимиз билан серилтифот бир одам ён томондаги хонага таклиф этди. Ичкарида беш-ўн чоғли киши ўтирган экан. Дастурхон устида шерикларимиз нуқул мотор, бензин, кузов, балон, "ЙПХ" ходимлари ҳақида гапиришди.*

*Ташқарига чиққанимизда ҳамроҳимдан "Тўй эгаси ҳайдовчими?" деб сўрадим.*

*— Ҳа, илгари шўпир эди, ҳозир автобазада механик, нимайди?*

*— Ҳалиги одамлар фақат мошина ҳақида гапиришди-да.*

*— Ҳар соҳанинг ўз "тили" борда, масалан "соққаси" боми? деган одамни дарров билиб оласиз, — дедим.*

*Шу пайт ичкаридан ҳамкасб мухбир оғайнимиз чиқиб қолди. Мен билан сўрашиб, гапга тушиб кетди:*

*— Кеча "вёрстка"ни тугатиб, макетни топшириб бўлганимдан кейин, муҳаррир келиб, "шапка"ни ўзгартирасан, интервьюни бошқа ерга берасан, деб турибди-да. "Бу кечаги материал, "Интернет"ники, факс ишламаяпти, манави "подвал"га сиғмайди десам" – кўнмайди. Бир колонка бўлади, рубрика керакмас, деб, бошимни қотирди...*

*Йўлда келаётганимизда санъаткор ҳамроҳим:*

*— Ўлай агар, сизлар боя нима ҳақида гаплашганларингга ҳеч тушунмадим, — дейди.*

*— Айтдим-ку, ҳар соҳанинг ўз "тили" бор, — деб. Манзилга етиб келгач, санъаткор дўстимга миннатдорчилик билдирдим. Машинадан тушаётиб ундан сўрадим:*

*— Ўзингиз қалайсиз, "отар"га бориб турибсизми?*

*У менга ялт этиб қаради:*

*— Баъзан бориб турибмиз.*

*— Якан қалай?*

*— И-е, бизнинг соҳадаги сўзларни ҳам биларкансиз-да, якан яхши, — деди санъаткор дўстим хурсанд бўлиб.*

*— Ҳар доим яхши бўлсин, — дедим мен.*

*Роса кулишдик.*

**Абдуғани АБДУВАЛИЕВ,**
*Наманган шаҳри.*

**АВВАЛИ**

## ТОШКАНДДА САРТ ФОТОГРАФ

Тошканд шаҳрини мусулмония даҳасида, катта бозор ичинда самоварчилик қилуб ўлтурғучи Илҳомжон ва Илёсжон машшоқлар Инъомжонбой ўғлилари дутор ва танбур ва ғижжак ва рубоб ва тамоми сартия ва русия нағмотларини ўрганиб ва онинг машқлариға моҳир бўлуб, охирида мазкур фотография асбоб ва мошиналарини сотиб олиб, ушбу кунларда арзон баҳо илан мусулмонияларни хушрўй болалари ва ғайри катта-кичик одамларни ва русияларни тасвиротларини ниҳоятда яхши ва покиза қилуб олиб турғон эмиш.

Бул хабарни хурсандлик илан ёзиб мазкур Илҳомжонға маслаҳат берамизким, ушбу рақамлик газетамизнинг бошида босилғон эъломномани ўқуб, мазкур эъломномада кўрсаткан муҳлат ичинда ўзингизни олғон тасвиротларингизни келадурғон 1903 нчи йилда Петербурх шаҳриға вистафкаға юбориб, ўз ҳунарингиз хусусида равшанроқ баённома ёзиб газетда таъйин бўлғон фатуграфия жамоанинг секретарини номиға юборарсиз деб.

Ва бул хусусда янадин ёзамизким, сартия фуқароларни ичинда албатта фаросатлик ва ҳар хил ҳунарлик одам бордур ва мазкур фаросатлик одамлар барор фойдалик ҳунарни русия тоифаларида кўруб ва ўрганиб ўзлари ҳам ул ҳунардин фойдасини кўрадурлар. Бул тариқа иш таажжуб эмас, зероки худованди карим ҳар қаю халқларға яхши зеҳн ва фаросатни карам қиладур. Ва мазкур зеҳн ва фаросат бўлса, ул фаросатни яхши камолотға еткурса, албатта, манфаатлик бўладур ва ул фаросатлик одам янги ҳунарни яхши билиб ўзи ҳам ниҳоятда фойдасини билса керак. Ва ҳар қаю янги ҳунар хусусида шул тариқа ўйламак кераккім, агар ул янги ҳунар ҳеч кимга зарар келтурмагон бўлса, ул вақтда мазкур ҳунарда ҳеч бир шак ва шубҳа бўлмаса керак.

**"Туркистон вилоятининг газети", 1902 йил, 22 август.**

**ИЗОҲЛАР:** *Сарт — ўзбек. Ғайри — бошқа. "1903 нчи йилда Петербурх шаҳриқа, вистафкаға..." — Петербургда 1903 йилнинг баҳорида фотография жамияти томонидан ташкил қилинган кўргазма назарда тутилади. Кўргазма олти бўлимдан иборат бўлган: илмий, бадиий фотография, фотомеханик босма жараёнлар, фотографиянинг техник иловалари ҳамда фотография саноати. Ғолиблар олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. "Фатуграфия жамоанинг секретарини номиға..." — Россия фотография жамиятининг котиби Борис Петрович Аглаимов назарда тутилади.*

Нашрга тайёрловчи Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

ЭЪТИРОФ

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

ёки Савдо-саноат палатасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси фаолияти хусусида

*Савдо-саноат палатасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси тадбиркор, фермер ва ҳунармандларга, хуллас ишбилармонлик соҳасида фаолият кўрсатувчи барча хўжалик юритувчи субъектларга хизмат қилади. Масалан, янги иш бошлаган корхона ва юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларини тайёрлашдан тортиб, уларга кредит олиш, лизингга техника ва технология харид қилишда амалий ёрдам беради. Шунингдек ҳуқуқий консалтинг хизматлари кўрсатишда, экспорт ва импорт фаолиятни амалга оширишда кўмаклашади. Ишбилармонларни республикамиз ва чет мамлакатларда ўтказиладиган ўқув, малака ошириш курслари ҳамда тажриба алмашиш дастурларига жалб этади.*





Маълумки, хорижий давлатларда уюштирилаётган янги технологияларнинг кўргазмалари тадбиркорлар учун ҳамиша фойдали бўлган. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида бошқарма томонидан уч нафар ишбилармон чет элларга, 66 нафар тадбиркорлик субъектлари аъзолари эса республикамизда ўтказилган кўргазмаларга юборилди. Шунингдек, хориж давлатларига бориб-келган корхоналар вакиллари 111 минг АҚШ доллари миқдорида янги технологияларни ишлаб чиқаришда қўлладилар.

Амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, қисқа муддат ичида корхоналар томонидан 208,78 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Шу биргина мисол орқали мазкур ташкилотнинг вилоят иқтисодий ҳаётидаги ўрнини билиш мумкин. Чунки у ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Яқинда тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган 200 нафар ишсиз аёл Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан махсус дастур асосида ўқитилди. Уларга ўз бизнесларини бошлашларида амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ҳозир бу ерда "Ўз бизнесингни бошла", "Бизнесни режалаштириш" каби ўқув курсларини йўлга қўйиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Тадбиркор ва фермерларнинг мулкий муносабатлари юзасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш мақсадида бошқарма ҳузурида ҳакамлик суди ташкил этилган. Мазкур ҳакамлик суди томонидан шу йилнинг январь ойида 26 миллион сўмдан ортиқ даъво талаблари асосида 9 та иш кўрилди. Низоларни ҳакамлик судида кўришнинг талайгина афзалликлари бор. Аввало палата аъзоси бўлган тадбиркор ўз даъво аризасини судга тақдим этишда давлат божи тўламайди. Тарафлар ҳакамлик суди таркибидан ўз хоҳишларига кўра судья танлайди. Шунингдек, иш қисқа муддат — 15 кун ичида кўрилиши, суд ҳукми апелляция, кассация ва назорат тартибида қайта тафтиш қилинмаслиги белгиланган.

Шу билан бирга ҳудудий бошқарма ҳузурида "Бухороэкспосавдо" унитар корхонаси ташкил этилган бўлиб, у тадбиркорларга янги ишлаб чиқариш жамоалари тўғрисида ахборотлар беради, уларни бизнес оламидаги учрашувлар, саноат кўргазмалари ва ярмаркалари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди. Ишбилармонларнинг халқаро ва республикамиз кўргазмаларида иштирок этишларини ташкиллаштиради. Яқинда бир гуруҳ палата аъзолари Хитой Халқ Республикасида ўтказилган экспорт-импорт маҳсулотлари кўргазмасида иштирок этиб қайтди. Улар хориждан саноат, қурилиш ҳамда махсус техника ускуналарини олиб келдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти совринни учун ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган "Ташаббус" кўрик-танловининг жорий йили босқичи ғолиблари орасида бухоролик ишбилармонларнинг борлиги ҳам эътиборга молик, албатта. "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича танловда 1-ўринни эгаллаган бухоролик уста заргар Алишер Ҳайдаров, "Энг яхши фермер" йўналишининг "Менинг юртим — менинг ифтихорим" номинацияси ғолиби, "Бунёд, Салим, Ҳаётжон" фермер хўжалиги, "Энг яхши тадбиркор" йўналиши соҳиби "Овация театр моды" хусусий фирмаси ҳамда техника фанлари номзоди Шуҳрат Хўжаев раҳбарлик қилаётган Савдо-саноат палатасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси аъзолари саналади.

Кўҳна вилоятнинг тадбиркорлари, ҳунарманд ва фермерларини уюштирган Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси ташкил этилганига шу йил кузда беш йил тўлади. Жамоа қисқа фурсат ичида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ўз ўрнига эга бўлди, десак янглишмаймиз. Бугунги ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори, суянчиғи ва ҳимоячиси ҳисобланган мазкур ташкилотнинг халқ орасидаги нуфузи янада ортиб боришига шубҳа йўқ.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА** ®

ИҚТИСОДИЁТ

*Юртимизда мустақиллик йилларида дунёдаги бир қанча ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда қатор қўшма корхоналар барпо этилди ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳамда товарлар ички бозорни таъминлаш билан бирга, чет давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг "2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари"га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди.*

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Одатда, муайян мамлакатлар хорижий қўйилмаларни жалб этиш мақсадида имтиёзли шароитларни яратади, хусусан капиталларни сақлаш ва зарарларни қоплашни кафолатлайди, имтиёзли солиқ тизимини жорий қилади, ва фойдани хорижга эркин ўтказишга рухсат беради, олинган даромадлар ва бошқаларни қайта инвестициялашга шароитлар яратади. Бизнинг республикамизда ҳам хориж инвесторлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Шунинг учун ҳам мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияси йил сайин тобора кўпроқ кириб келмоқда, янги-янги қўшма корхоналар сони муттасил ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳам хорижий маблағларни жалб қилишдан манфаатдор бўлиб, инвестицияларга эҳтиёж сезади. Чунки, кредитдан фарқли равишда инвестициялар қарздор қилиб қўймайди, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавийлаштиришга, илмий ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга бевосита ёрдам беради. Ватанимиздаги бой табиий ресурслар, арзон ишчи кучи, ривожланган инфраструктура ва ҳар томонлама барқарор вазият хорижий инвестициялар учун жозибали бўлиб ҳисобланади. Бугунга келиб, чет эл қўйилмаларининг мамлакатга олиб келиниши ва ўзлаштирилишини таъминлаш учун зарур бўлган барча қонуний ва иқтисодий асослар яратилди.

Айни пайтда, изчил равишда хусусийлаштириш, валюта сиёсати дастурларининг амалга оширилиши натижасида чет эл инвестицияларининг импортига тўсқинлик қилувчи кўплаб сабаблар тугатилмоқда ва республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда хорижий инвестицияни кенгроқ жалб этишга янада кўпроқ эътибор кучайтирилмоқда.

Инвесторларни эса ўз-ўзидан энг биринчи навбатда қуйидаги омиллар қизиқтиради: мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазият, ҳуқуқий соҳа, географик ўрин ва бошқалар. Бугун дунё ҳамжамияти тан олиб турганидек, мамлакатимизда мўътадил тинчлик барқарор, чет эл инвесторларининг самарали фаолият юритиши бўйича тегишли қонунлар ишлаб чиқилган — ҳуқуқий асос яратилган. Ўзбекистон Марказий Осиёда энг қулай географик минтақада жойлашган. Ҳозирги кунда қўшма корхоналар барпо қилиш сабабларининг уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин: ички, ташқи ва стратегик. Ички сабаблар таваккалчилик ва ҳаражатларни биргаликда кўтаришни, инновация учун қулай тартиб бунёд этишни ҳамда хомашё ресурсларидан фойдаланишни осонлаштиришни кўзда тутади. Ташқи сабабларга сиёсий кескинликни юмшатиш ҳамда трансмиллий рақобатга қарши курашни мисол қилиб келтириш мумкин. Бундан ташқари, қўшма корхоналар компанияларнинг стратегик вазифаларини ҳал қилишда, масалан, диверсификацияни кенгайтиришда воситачи бўлиши мумкин.

Қўшма корхоналар биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда — енгил, озиқ-овқат, электротехника, кимё ва нефткимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир. Табиийки, корхоналарда хорижий инвестициялар ҳиссасини ошириш йўлида, инвестиция киритишга эҳтиёжи бўлган корхоналарнинг молиявий ахборот базалари ҳақида инвесторларни янада тўлиқроқ маълумот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, инвесторларга таклиф этилаётган инвестицион лойиҳада дунё бозорига чиқиш стратегиясини асосий мақсад қилиб белгилаб қўйиш, инвестицион фаолиятни амалга оширишда бевосита хорижий тадбиркорлар билан маҳаллий тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишда қулай шарт-шароитлар яратиш янада кенг имкониятлар эшигини очади.

**Бобур АЛИМЖАНОВ,**
**Тошкент Молия институти магистранти.**

TURON BANK

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ТУРОН БАНК"

**миллий валютадаги қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади.**

**«БАҲОР»**

сақланиш муддати **3 ОЙ**,
омонат фоизи йиллик **30%**,
фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**«ТОШКЕНТ — 2200»**

сақланиш муддати **12 ОЙ**,
омонат фоизи йиллик **24%**,
фоизлар ҳар ойда берилади, омонат 2009 йилнинг 30 июнига қадар қабул қилинади.

**«Турон банк» — сармоянгизнинг барқарор ўсиши**

*Хизматлар лицензияланган.*

## Сўм пластик карталари

"Турон банк" пластик карталари нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда замонавий ва қулай тўлов воситасидир. Карта ёрдамида унинг эгаси ўз ҳисобидаги маблағни бошқариши, нақдсиз шаклдаги хизматларни амалга ошириши ва товарларни харид қилиши, банк филиалларидан банкомат орқали нақд пул ечиб олиши мумкин.

## «Турон банк» сўм пластик карталари

Республика миқёсида жойлашган филиаллар орқали нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини яратади.

Пластик карта ҳисоб рақамидаги маблағингизни истаган вақтингизда кўпайтириш ёки пластик карта ҳисоб рақамидаги пулни истаган вақтингизда олишингиз мумкин.

Республика миқёсида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз:

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, уяли алоқа компанияларида хизмат ҳаққини тўлаш, товарлар сотиб олиш, меҳмонхона хизмати, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларидан ва метродан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.

Республика бўйлаб жойлашган махсус кассаларда терминаллар орқали коммунал тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

Пластик картангиз ҳисоб рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин.

## Пластик карта омонат дафтарчаси ҳамдир

Пластик карта эгалари учун қолдиқ суммага ҳар ойда устама фоиз ҳисоблаб борилади ва асосий маблағингизга қўшиб борилади.

Омонат дафтарчаси каби пластик карта ҳам маблағингизни жамғариш имконини беради.

Пластик картанинг омонат дафтарчасидан афзаллиги шундаки, картангиздан барча оила аъзоларингиз ва яқинларингиз фойдаланиши мумкин.

Пластик картангиздан бошқа омонат турларига маблағ ўтказишингиз ва олишингиз мумкин.

## Пластик карта ишончли ва қулай

Энг муҳими ўзингиз билан катта миқдордаги нақд пулни олиб юришдан халос бўласиз.

Карта эгаси бўлсангиз пулларингизни йўқолиш ёки ўғирланиш хавфидан халос бўласиз.

Пластик картангизни йўқотган тақдирингизда банкка йўқотганлик тўғрисида қилинган мурожаатдан сўнг дарҳол унгаи пулларингиз музлатилади ва ундан ҳеч ким фойдалана олмайди.

Пластик картангизнинг ҳисоб рақамига республиканинг исталган бурчагидан, ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.

## VISA Халқаро пластик тўлов тизими

ОАТ "Турон банк" ўз хизматлари доирасини кенгайтириш ҳамда мижозларига республикадан ташқарида турли тўловларни амалга ошириш мақсадида ***VISA*** халқаро тўлов тизимини йўлга қўйди. ***VISA*** пластик карталарига эга бўлган мижозлар дунёнинг 150 та давлатида 29 млн.та савдо терминалларидан, 1 млн.та банкоматдан фойдаланишлари мумкин.

Бугунги кунда "Турон банк" ўз мижозларига 4 турдаги ***VISA*** пластик карталарини таклиф этади. Булар ***Visa electron. Visa classic. Business df Visa Gold.***

**"Турон банк" омонатларининг тўлиқ рўйхати ва бошқа сизни қизиқтирган маълумотлар билан банкнинг филиалларида ёки www. turonbank.uz сайти орқали танишишингиз мумкин. Қўшимча маълумот учун телефон: (+99897) 700-55-55**

МЕРОС

# УЛУҒБЕК ДАВРИДА ТАБОБАТ

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг суюкли набираси Муҳаммад Тарағай Улуғбек даврида бошқа фанлар қатори табобатнинг ривожига ҳам катта аҳамият берилган. Сабаби муттасил бўлиб турган жангларда ярадорларни даволаш учун юзлаб табиблар зарур эди. Соҳибқирон қўл остидаги барча шаҳарларда ҳеч бўлмаганда битта масжид, битта мадраса, битта карвонсарой ва албатта, битта касалхона очишга буйруқ бергани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Манбаларда Амир Темурнинг хос табиби Файзуллоҳ Табризий ҳақидаги маълумотлар ҳам сақланиб қолган.

Бу даврда шунингдек, Садидуддин ал-Козаруний ас-Садидий, Жалолиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Оқсароий, Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чақминий, Исҳоқ ибн Мурод каби замонасининг беназир табиблари ва тиб соҳасининг билимдонлари яшаб ўтганлар. Мирзо Улуғбек даврида мазкур соҳада изланишлар олиб борган етук қомусий олимлардан бири шубҳасиз 1404 йилда Самарқандда туғилган Али Қушчи эди. Унинг астрономияга оид асарлари билан бир қаторда табобатга доир "Ал-Мўъжаз фи-т-тибб" ("Табобат ҳақида қисқача китоб") номли асар ёзиб қолдиргани ҳам маълум.

Улуғбекнинг таклифига мувофиқ Кирмондан Самарқандга келган Бурҳонуддин Нафис ибн Иваз ал-Кирмоний ҳам замонасининг машҳур ҳакимларидан эди. У мўғуллар Ҳиротга ҳужум қилганда ҳалок бўлган Нажибуддин ас-Самарқандийнинг "Китоб ул-асбоб ва-л-аломот" ("Касаллик сабаблари ва белгилари") номли асарига шарҳ ёзади ва уни "Шарҳ ул-асбоб ва-л-аломот" ("Сабаблар ва белгилар китобига шарҳ") деб атайди. Муаллиф 1424 йили бу шарҳни ёзиб тугатиб, Мирзо Улуғбекка тақдим қилади. Олим китобининг муқаддимасида ўзи асли Кирмон шаҳридан эканини, Мирзо Улуғбек томонидан чақириб олинганини баён қилган. Бурҳонуддин Нафис ибн Иваз ал-Кирмоний Улуғбекни "ас-султон ибн ас-султон ибн ас-султон", "амирзода муқис уд-дин Улуғбек Кўрагон" деб шарафлайди. Шунингдек, адолат ёйувчи, тинчлик ўрнатувчи, раҳмоний иноятлар ва раббоний илтифотлар соҳиби сифатида мадҳ этади. "Шарҳ ал-асбоб ва-л-аломот"нинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 2872-нусхасининг мундарижасида 458 та касалликлар ва бир қанча дорилар номи қайд этилган. Шарҳдаги Нажибуддин ас-Самарқандий матнлари устига қизил сиёҳ чизилган бўлиб, улар алоҳида кўрсатиб ўтилган.



Ҳукмдорнинг ишончига сазовор бўлган Нафис ибн Иваз Самарқандда ўзининг иккинчи тиббий асарини ёзади ва уни "Шарҳ ал-Мўъжаз ал-қонун" ("Қонуннинг қисқартмасига ёзилган шарҳ") деб атайди. Ўша даврда яшаб ижод этган тарихчи олим Ҳожи Халифанинг "Кашф уз-зунун" асарида баён этилишича, "Мўъжаз ал-қонун"га ёзилган шарҳлар ичида Нафис ибн Ивазнинг шарҳи энг яхши шарҳ ҳисобланади. Бу шарҳ 1438 йили тугатилиб, Улуғбекка тақдим қилинган. Манбашунос олим Ҳ.Ҳикматуллаев таъкидлашича, бу олим ижодини чуқур тадқиқ этиш Улуғбекнинг Шарқ мамлакатлари билан олиб борган маданий алоқаларини ўрганишда ҳам жуда муҳим ўрин тутади.

XV аср бошларида яшаган табобат илми билимдонларидан яна бири Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Фақиҳ Илёс эди. У форс тилида одам анатомияси ҳақида "Рисола дар ташриҳи бадани инсон" ("Инсон баданининг анатомияси ҳақида рисола") номли асар ёзиб, уни Амир Темурнинг суюкли набираси ва валиаҳди Пир Муҳаммад Баҳодурга бағишлайди. Мазкур асар "Ташриҳ би-т-тасвир" ("Суратли анатомия") ёки "Ташриҳи Мансурий" ("Мансурга аталган анатомия") номлар билан ҳам юритилади. Аммо инглиз олими К.Эльгуд бу асарни номсиз дейди ва кейинги асрдаги кишилар уни "ат-Ташриҳ би-т-тавсир" деб атаганлари ҳақида ёзади. Нима бўлганда ҳам у йиллар давомида тиббиётга оид муҳим қўлланма сифатида фойдаланиб келинган. Асарга Субҳонқулихон (1680-1702) буйруғига билан Абдуғафур исмли рассом томонидан олтита расм ишлангани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларида юқоридаги табиблардан ташқари, ҳожи Зайн ул-Аттор, Муҳаммад Сабзаворий, Ал-Жоний Муҳаммад ал-Ғиждувоний каби бир қатор машҳур ҳакимлар ҳам яшаб ўтган. Бу инсонларнинг асарларида бугун энг давоси қийин хасталикларни осон ва зарарсиз даволаш усуллари ҳақида фикр юритилганки, улар қанча кўп ўрганилса, тадқиқ қилинса, фойдадан холи бўлмасди.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**тарих фанлари доктори.**

МУТОЛАА




# ҚАЛБГА ЯҚИН АСАР

*Яхши китоб гўё истараси иссиқ одамдай гап: юзи, кўзи, қалби, дард-ҳасрати, насл-насаби, зарур бўлса, юрти — Ватани бўлади.*

*Чеҳрасидан нур ёғилган инсон билан бир бор суҳбатлашсанг, кўнглинг такрор дийдор тилаб тураверганидай, яхши китобни ўқиб тугатганингдан кейин ҳам уни бот-бот қўлга олгинг келаверади.*

"Шарқ зиёкори" китоб дўконида шундай асар излаб юрган эдик. Бир тўплам кўзимизга оловдай кўринди. "Берироқ кел!" дерди гўё у.

Нодир Жонузоқнинг "Меҳрибоним" номли шеърий китоби билан ана шундай танишдик...

Тўпламнинг ўртароғини очдим:

**Юрагимни тутай десам, олгувчи йўқ,**
**Кўз ёшидан дарё йиғиб солгувчи йўқ.**
**Томирларим тор мисоли тортилади,**
**Қўли тоза, кўнгли чаман чолғувчи йўқ!**

Шу тўрт мисранинг ўзидаёқ, шоирнинг ҳаёт зарбалари, сиру синоатларидан кўнгли юмшаб, мижжаларига нам тепиб, кўнгли чаман ўқувчисини қумсаб турганини ҳис қилиш қийин эмас эди.

Бир муносиб ҳамдард излаётган шоирнинг ёниб турган юрагига кўз ёшларимиздан дарё йиғиб сола оламизми?

Китоб билан қўлтиқлашиб уйга шошдик. Тўғриси, шу кунгача биз Нодир Жонузоқовни "ойнаи жаҳон"даги халқ суйган қатор кўрсатувлар бошловчиси сифатида билиб юрардик. Унинг "Меҳрибоним"и билан учрашгач, китоб муаллифини нафақат моҳир телебошловчи, шу билан бирга юраги нафис оҳангларга тўла ажойиб шоир сифатида ҳам кашф этдик.

Истараси иссиқ, кўзларида сокин мунг яйраб турувчи бу йигит билан илгарилари ҳам унда-бунда саломлашиб юрардик. Сафарларда ёнма-ён йўлдош, учрашувларда шеър ўқиган кезларимиз ҳам бўлган. Аммо бирор инсон билан сафарда бўлиш бошқа, кўнгил кўчаларининг қайсидир чорраҳаларида ҳамдард, ҳамфикр эканингни англаш бошқа нарса албатта...

"Меҳрибоним" билан танишганимизгача самимияти бетакрор, халқчил туйғуларга ошно-ошуфта бу шоир билан шундоққина ёнма-ён, елкама-елка юрган ўшандай дамларда бир-биримизни яхшироқ ҳис қилмаганимиздан ўкиндим ҳам.

Шоирларни одамлар нима учун ўзларига яқин оладилар? Уларнинг нимасига ҳавас қиладилар? Нега уларни ардоқлайдилар? Албатта, лафзининг ҳалоллиги, дардининг оҳанрабоси, ифода услубидаги ўзига хос жозиба ва назокат учун. Эҳтимол Нодирнинг шеърларида бизни ўзига ром этган нарса ҳам айнан ана шундай мисраларнинг сероблигидир.

Ҳар бир сўздан оҳанг, жозиба, изтироб қидириб яшайдиган кишини сўз билан лол этиш қийин. Деҳқоннинг омилкорлиги ерга муносабатида, ижодкорнинг қаламдаги зарофати эса сўзга илтифотида акс этади.

"Ишқ достонини битмоқ ниятида, таваккалнинг асов отини эгарлаб", "Булбулларни кипригига қўндириб, сув ичира" ўз юртининг "Адирлари, баланд-пастидан эрка қулундай" сакраб, "Барги шамолларда тўзғиётган гуллар аҳволи зоридан нолалар тизиб бораётган" бу шоир ўз қалбидан сўз қалбига ета-етгунча бормоқни анвойи тоза гуллар ифори билан дилафшон этишга аҳд қилган кўринади. Бироқ, у бу "ишқ йўли"нинг айрича қийинчиликлари, ёлғону ростликлари ҳам борлигини, мақсад-манзилга осонликча эришиб бўлмаслигини-да ички бир ҳайрат иқрорида сезиб туради:

**Бир хабар илғадим саҳарги елдин,**
**Чиққанмиш қачондир Мажнун бу элдин.**
**Ё Оллоҳ, наҳотки англамадилар —**
**У соям эди-ю... мен энди келдим!**

Қаранг, шоир бутун дунё ошиқларининг пири комили — Мажнунни менинг соям эди, соҳиби Жамолга ҳақиқий мубтало — мана, мен — Дунёга энди келдим, деб турибди. Нима ҳам дердик, ёш шоирнинг бу дадил, ойдин ниятлари муборак бўлсин!

"Ушбу китобнинг қўлёзмасини ўқиб шеъриятимизда яна бир воқелик юз бергани — Нодир Жонузоқ деган бутун шоир вояга етганини англадим." — деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо китобга битган сўзбошисида. Халқимизнинг истеъдодли шоири Нодир ижодидан қувониб турган экан, демак, у ҳар қанча эъзозга арзийди.

**Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ**

МУРУВВАТ

# Дунёда яхши одамлар кўп

**буни Бўкадаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Светлана ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин**

*Меҳрибонлик уйи дарвозасидан кирганимиз ҳамоно боғ-роғлар қўйнидаги сўлим ҳовли саҳнида шўх куйга монанд хиром этаётган навниҳолгина қизга кўзимиз тушди. Биз ҳам қарсак чалаётганларнинг сафига қўшилдик. Куй тингач "раққоса"нинг қучоғи гулларга тўлиб кетди. Қизча олқишларга жавобан чиройли таъзим қилди-да, ёнимизда турган кишининг олдига чопқиллаганича келиб, қўлидаги гулларни унга тутқазди. Тарбиячи Людмила Садуевадан "У киши қизчанинг дадасими?" деб сўрадим.*

— Йўқ, у туманимиз ҳокими Неъмат Абдуллаев, — дея жавоб берди Людмила опа. — Биласизми, бугун ҳаётида биринчи марта рақс тушган Светлана қизимизнинг дарддан фориғ бўлишида, қолаверса, туманимиздаги яна кўплаб хайрли ишларда бу инсоннинг катта ҳиссаси бор.

Суҳбатимиз шу жойда узилиб қолди. Боиси тарбиячи опа болаларни тушликка олиб бориши кераклигини айтиб, узр сўради. Биз эса Меҳрибонлик уйи директори Ҳабибулла Ҳожимуродов ҳамроҳлигида замонавий услубда барпо этилган спорт мажмуалари билан танишдик. Футбол стадиони, баскетбол майдонидан сўнг вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларни ҳам бемалол ўтказиш мумкин бўлган очиқ сув спорт иншоотига кўзимиз тушди. Ҳа, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд экан.

Сўнгра бу масканда ташкил этилган медиа хонасига кирдик. Бу ердаги ҳомийлар томонидан совға қилинган компьютер, видеокамера, рақамли фотокамера ва бошқа кўплаб замонавий асбоб-ускуналар тарбияланувчиларнинг ихтиёрида экан. Яхшигина китоб захирасига эга бўлган кутубхона борлиги жуда ибратли. Маънавият хонасига кирганимизда эса Людмила Садуевани яна учратдик. Шу баҳона чала қолган суҳбатимизни давом эттирдик ва суҳбат давомида эшитганларимиз эса кўнглимизни нурга тўлдириб юборди.

Маълум бўлишича, боя даврада шўх хиром этган қиз уч-тўрт ёшида бахтсиз тасодиф туфайли бедаво дардга учраган экан. Тинимсиз даволанишлар, кўплаб жарроҳлик амалиётлари ҳам самара бермабди. Бу кўргулик камдай аввал унинг отаси, кейинроқ онаси вафот этибди. Шундай қилиб, қаровчисиз қолган қизчани икки йил олдин бу ерга олиб келишган экан. Светлананинг таржимаи ҳоли ва касаллик тарихидан хабар топган туман ҳокими ҳомийлик ишини ташкиллаштириб, туман ва республика Бош прокуратураси, "Сен ёлғиз эмассан" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида унинг соғайиши учун барча шошилинч чораларни кўради. МДҲ давлатлари шифохоналарига қилинган мурожаатга жавобан улар беморнинг тўла соғайиб кетишига кафолат беролмасликларини маълум қилишади. Светлана эса бу вақтда гарчи


Endlich wieder tanzen
Griechische Flora noch bis Sonntag
K+S-Kicker spielen um Sieg

*Светлана ҳақида Германиядаги газеталарда ҳам ёзишди.*

тўлиқ шифокорлар назоратида бўлсада, кўпчиликка қўшила олмас, дарсларда ўтириши ноқулай эди. Тинимсиз саъй-ҳаракатлар натижасида қизча 2007 йилнинг август ойида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан Германиянинг Фриеденздорф шаҳридаги шифохонага даволаниш учун юборилади. Орадан бир йил вақт ўтиб, у дарддан бутунлай фориғ бўлиб ватанимизга қайтади.

Ҳозирги кунда Светлана бўш вақтларида расмлар чизади, чет элда орттирган дўстлари билан интернет тармоғи орқали мулоқотда бўлади.



Рақс тушиш эса унинг жон-у дили. Қолаверса, олмон тилини пухта ўрганишга астойдил киришган.

— Дунёдаги ҳар бир гўдак она алласини тинглаб улғайиши керак, деб ўйлайман. Ана шу лаҳзаларнинг суратини чизишни жуда истайман, — дейди у. — Ота-онам ҳаётдан эрта кўз юмгач, умидсизликка тушиб қолгандим. Бунинг устига дард ҳам мени қийнаб қўйганди. Кейинроқ эса мен учун қайғурадиган одамларнинг кўп эканини англагач жуда қувондим. Улар мени оқ ювиб-оқ таращди, дардимга малҳам бўлишди. Биласизми, дўхтирлар мен йўлиққан касалликни бедаво дейишгач, соғайиб кетишни орзу ҳам қилмай қўйгандим. Ҳозир эса мендан бахтлироқ инсон бўлмаса керак. Менга чексиз ғамхўрлик қилган барча яхши инсонлардан миннатдорман. Тезроқ улғайиб, Ватанимга сидқидилдан хизмат қилсам, дейман.

Болаларга хос бўлмаган қатъият билан сўзлаётган бу қизчанинг орзулари бир олам. У келажакда шифокор бўлиб, дардманларга кўмак бермоқчи. Биз ҳам унга шундай пок ниятларининг рўёбга чиқишини тиладик. Меҳрибонлик уйи ҳовлисидан ташқарига чиқар эканмиз, биз яшаб турган бу серқуёш юртда меҳри қуёшдек тафтли инсонлар кўплигини ҳис қилиб, қалбимиз қувончга тўлди.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ**

ЁШЛАР ИЖОДИ



## *Баҳор соғинчи*

***«Сен баҳорни соғинмадингми?»***
***А.Орипов***

*Қувонч ёши эмасми лоладаги томчилар,*
*Елиб турган шаббода гул атрини симирар.*
*Алвон қизғалдоқлардан муаттар ҳид таралар,*
*Мен баҳорни соғиндим, сен ҳам соғинганинг айт?*

*Шафақ бирла уфқнинг томирида оқар нур,*
*Бошинг узра порлағай қуёш таратган сурур.*
*Кўнгил боғинг кенг олиб қувонч гулин қуч масрур,*
*Мен баҳорни соғиндим, сен ҳам соғинганинг айт?*

*Тонг саҳарда Аллоҳдан сўра элга бахт, омад,*
*Баҳорнинг ҳар лаҳзаси умринг каби ғанимат.*
*Боғларга боқ, булбулнинг қўшиғидан туй ҳайрат,*
*Мен баҳорни соғиндим, сен ҳам соғинганинг айт?*

*Дилни яйрат баҳорнинг рангин тароватидан,*
*Баҳра олсин бетакрор хайру саховатидан.*
*Ўтга айлансин юрак меҳру-муҳаббатидан,*
*Мен баҳорни соғиндим, сен ҳам соғинганинг айт?*

## *Шеърим сатрлари вафо истади*

*Орзуим дудоғин армон силади,*
*Митти юрагимни сиқади ғурбат.*
*Шеърим сатрлари вафо истади,*
*Ҳиссиз нигоҳлардан изладими бахт?*

*Сен аста тупроқнинг бағрига чўкиб,*
*Париваш рухсорлар жамолин ярат.*
*Қуёшнинг белидан ногаҳон қучиб,*
*Самодан покликнинг ёғдусин ярат.*

*Лек тупроқ бўлмагин зинҳор*
*шеърларим,*
*Чунки сен танамни тарк эта олдинг.*
*Замин юрагидан уфурган сўзим,*
*Ғамларда адашмай*
*юлдузинг топгин.*

* * *

*Шоир бесўз ғазал ёзибди,*
*Дилхун ҳофиз куйга солибди.*
*Чертилганда кўнгил торлари,*
*Ҳатто фалак ердан тонибди.*

*У шеър эмас, у куй ҳам эмас,*
*Қачонлардир кўнгил бир пас.*
*У ҳаётнинг сўнгги ноласи,*
*У қалбдаги охирги нафас.*

**Гулчеҳра АШУРОВА,**
**Бухоро вилоят Галаосиё педагогика коллежи талабаси.**

### Ишқинг билан яшайман

*Сенсизликдан қийналдим,*
*кўзларимга келди ёш.*
*Сенсиз ўтган ҳар оним,*
*дардга тўла, бағритош.*
*Айтгин, қалбим ўғриси*
*сени дея яшайми,*
*Ё юрагим суғуриб,*
*йўлларингга ташлайми?!*
*Бугун яна дилда ғам,*
*сенсиз куйдим қийноқда,*
*Сен турасан ёнимда*
*аммо кўнглинг йироқда.*
*Мендан умид уз десанг,*
*сенга бахтлар тилайман,*
*Бир умр унутмасдан,*
*ишқинг билан яшайман.*

***Ҳуштуй ПАРДАЕВА,***
***ЎзМУ 2- курс талабаси.***

### Болалик

*Киприкларим — учар капалак,*
*Йўлларимни ёритгай ҳавас.*
*Хаёлимдек айланар фалак,*
*Шивирлайди майсалар бесас.*

*Булоқларнинг бўйига бориб,*
*Суҳбатлашгум мажнунтол билан.*
*Ва англайман атрофга боқиб,*
*Дунё яшил рангга беланган.*

### Қишлоқ

*Қаралар ҳам безанар зарга,*
*Кун қизарар уфққа томон.*
*Тонг отмасдан яйдоқ далага,*
*Сурувини ҳайдайди чўпон.*

*Бол арилар гулзорда яйрар,*
*Шовқин сувлар қайгадир шошар.*
*Қамишзорда бедана сайрар,*
*Қишлоғимда тонг ота бошлар.*

***Муниса ЖЎРАЕВА,***
***Қарши туманидаги 14-мактаб ўқувчиси.***

# МАДАНИЯТ

ИСТЕЪДОД

## ҚЎШИҚҚА ОШУФТА ОРЗУЛАР

*Йўлингиз тушиб айни кунларда Сурхондарё томонларга борсангиз, воҳанинг гўзал табиати-ю баҳаво масканлари эътиборингизни тортади. Вилоятнинг энг сўлим гўшаларидан бири саналган Денов туманидаги қир-адирлар шу қадар бетакрор гўзаллик касб этдики, бу чиройни кўрган киши табиатнинг ўзи буюк рассом эканлигини яна бир бор кўнглидан ўтказади. Мана шундай мафтункорлик кишиларни ижодга, яратувчанликка ундаши табиий-да.*



Сурхондарёлик истеъдодли санъаткор Акмалжон Акбаров ана шундай умидли ёшлардан бири. У устозлари кўмагида саҳнага чиққанида етти ёшда эди. Туман миқёсида ўтказилган "Санъат ғунчалари" кўрик-танловида иштирок этиб, қўшиқ куйлаганда унинг ижодини кузатиб турган ҳакамлар ҳайъати уни биринчи ўринга лойиқ топишди. Бу рағбат кичкинтой Акмал учун катта далда бўлди. Устозларининг тавсиясига кўра, у Денов шаҳридаги мусиқа мактабида, сўнг пойтахтда ўқишни давом эттирди. Акмалжон яхши хонанда бўлиш учун ҳар бир ижодкор албатта, миллий мусиқа чолғуларини чалишни ҳам билиши кераклигини яхши биларди. Айнан шу мақсадда у биринчи сонли махсус санъат мактабида «Ўзбек халқ чолғулари» синфида таҳсил олди. Дарсдан бўш вақтларида Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошида ташкил этилган «Булбулча» ашула ва рақс ансамблида яккахон солист сифатида қатнашди. Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов унинг маҳорати ошиши учун ғамхўрлик қилди. Даста орасида ўзини кўсата олган санъаткор нуфузли байрам дастурларида ўз репертуарлари билан қатнашди. Яккахон қўшиқчи сифатида ўзини синаб кўрди. "Ўзбекистон" телеканалининг Болалар ва ўсмирлар студияси томонидан тасвирга олинган кўрсатувларнинг бирида «Бувижон» деб номланган қўшиғини куйлади. Дилдан куйланган самимий ижро мухлислар эътиборини тортди. Орадан бироз вақт ўтиб, Ватан мадҳини куйга солди.

**Элим севган бу юртда**
**Қушлар нола чекмасин,**
**Беғубор осмонидан**
**Эрта қуёш ботмасин.**
**Юртни асранг боболар**
**Бизни қилинг дуолар,**
**Юртим тинчлигини деб**
**Жонни қилай фидолар.**

Унинг бу қўшиғи «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг шаҳар босқичида рағбатлантирувчи мукофотига лойиқ топилди. Саҳнадаги бу муваффақиятидан сўнг Ҳамза номидаги республика мусиқа коллежига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилинди. Мазкур ўқув масканида ҳам санъат сирларини мукаммал эгаллаш истагида бўлган Акмалжон устозлари Ботир Матёқубов, Дилнавоз Муҳаммадалиеваларнинг кўмагида мумтоз наволаримиз ва жаҳон мусиқасини ўрганди. Шундан сўнг бир қанча янги қўшиқлар яратди. Айниқса, фольклор йўналишида куйлаган «Моможон» қўшиғи санъатсеварларга манзур бўлди.

Акмалжон яхши қўшиқчи бўлиш билан бирга Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўқишни давом эттириб, ўзбек миллий мусиқа чолғу асбобларининг яратилиш тарихи мавзусида илмий изланишлар олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Биз орзулари сари дадил одимлаётган умидли санъаткор Акмалжон Акбаровга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Жўрақул ТУРСУНОВ,**
**журналист.**

ТАФАККУР

## ДИОГЕН

(Милоддан аввалги 400-323 йиллар)

Юнон файласуфи синоплик Диоген киниклар мактаби асосчиси Антисфеннинг шогирди эди. Антисфеннинг ўлимидан сўнг Диоген Коринфга кўчиб ўтади. Чунки Синопда Диоген ўзи билан мулоқот қилгулик бирор одам тополмай қолганди. У Коринфда ўзига бошпана сотиб олмайди. Меҳмондўст танишлариникига ҳам бормай, очиқ осмон остида яшай бошлайди. Анчайин дарз кетган сопол хум унга бошпана вазифасини ўтади.

Диоген ҳаммага заҳархандалик ва нафрат билан муносабатда бўлган.

Унинг "Севги ҳақида", "Давлат" ("Полития"), "Эдип", "Фиест" ("Фожиа") номли асарлари маълум. Диоген пиширилмаган саккизоёқни еб, вабо касали билан оғриб қолган ва вафот этган. Баъзи манбаларда ёзилишича, у нафас қисилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмган.



Айтишларича Александр Македонский 70 ёшли Диоген билан Коринфда, шаҳар четидаги савр дарахтларидан иборат Кранеон ўрмонида учрашиб қолиб, ҳамсуҳбат бўлган. У ўзини файласуфга буюк шоҳ Искандарман деб танитганда, Диоген тап тортмасдан: "Мен эса кўппак Диогенман", деган экан.

### Кундуз куни чироқ кўтарган одам

"Мен муттаҳам бўлмаган одамни излаяпман". (Бир куни Диогенни кундуз куни қўлида ёниб турган фонус кўтариб олиб, ниманидир излаётган ҳолда кўрадилар. Одамлар ундан нима қилаётганини сўраганларида, юқоридагича жавоб қайтарган).

* * *

Искандар Зулқарнайн Диоген ҳақида шундай деган: "Шоҳ бўлмаганимда, Диогеннинг ўрнида бўлишни истардим".

* * *

Диоген муҳим нарсалар ҳақида мулоҳаза юритганда одамлар унга қулоқ солмай ўтиб кетаверадилар. Шунда у қушга ўхшаб чуғурлай бошлайди. Атрофида беҳисоб одамлар тўпланади. Шунда файласуф тўпланганларнинг бўлмағур нарсалар кетидан югуриб, муҳим нарсалар учун эса ҳатто жойларидан жилмасликларини айтиб, изза қилади.

* * *

Диоген бир хасисдан садақа сўради. Унинг иккиланиб турганини кўрган файласуф деди: "Муҳтарам зот, мен сендан нон учун садақа сўраяпман, сағана учун эмас!"

**Г.ЖЎРАЕВА тайёрлади.**

СПОРТ

### ФУТБОЛЧИНИНГ НИЯТИ

Украинанинг «Динамо» (Киев) футбол жамоасида тўп сурадиган ҳамюртимиз Максим Шацких журналистларга берган интервьюсида шу йилнинг ёзида клубни тарк этмоқчилигини айтган.

— Жорий мавсумда юзага келган вазиятдан сўнг жамоадан кетишим керак деган хулосага келдим, — дейди у «Новая» газетаси мухбирига. — Ҳозирча қайси клубда фаолиятимни давом эттиришим маълум эмас. Шуни аниқ биламанки, ҳар ҳолда Хитойга бориш ниятим йўқ. У томонларга одатда фаолиятини якунламоқчи бўлган футболчилар боришади. Мен эса яна бир неча йил кучли чемпионатларда юксак савияда тўп сура олишимга ишонаман. Очиғини айтсам, Украинани тарк этишни умуман хоҳламаяпман.



Футбол ишқибозларига яхши маълумки, ушбу мавсум Максим Шацких учун омадсиз бўлди. Шу боис юртдошимиз Киевнинг «Динамо» жамоаси билан хайрлашишга мажбур бўлмоқда.

### САФИН СИЁСАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ



Россиялик таниқли теннисчи Марат Сафин фаолиятини якунлагандан кейин сиёсат билан шуғулланмоқчи эканини яширмаяпти.

— Бу албатта, кўп нарсаларга боғлиқ, — дейди спортчи «Ролан Гаррос» турнирининг биринчи давра ўйинлари якунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида. — Биринчи навбатда Шамиль Тарпищев (Россия теннис федерацияси президенти) билан маслаҳатлашаман ва айтган фикрларига таяниб иш тутаман. Сиёсат — мен учун тамоман янги соҳа. Шу боис тажрибали мутахасисларнинг қарашлари билан ўртоқлашишим зарур. Ўйлайманки, бу менга катта ёрдам беради.

### БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Арманистонда бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига старт берилди. Мазкур турнир 23-30 май кунлари Ереван шаҳрида бўлиб ўтади. Унда Австралия, Беларусь, Болгария, Хитой, Тайван, Кипр, Куба, Англия, Эквадор, Финляндия, Германия, Греция, Грузия, Венгрия, Ҳиндистон, Эрон, Ирландия, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва, Молдова, Польша, Хорватия, Россия ва Ўзбекистон сингари жами 42 мамлакатдан келган ёшлар ўзаро чемпионлик учун курашади.

### "ЗЕНИТ" БОШ МУРАББИЙИ ЎЗГАРАДИМИ?



Россиянинг "Зенит" футбол клуби бош мураббийи Дик Адвокат 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб Бельгия терма жамоасида фаолиятини давом эттиради. Бу ҳақда Бельгия футбол ассоциацияси президенти Франсуа де Кеерсмакер расмий баёнот берган. Унинг сўзларига қараганда, олтмиш бир ёшли голландиялик ушбу мутахассис "Зенит" жамоаси билан амалдаги шартномаси тугаши биланоқ ўз ишини бошлайди.

Яна бир гап. Агар бельгияликлар Европа 2012 чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадиган бўлса, ўз-ўзидан шартнома яна ярим йилга узайтирилади.

**Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.**

САБОҚ

## Бахт бойлик билан ўлчанмайди

*Таниш отахонни кўчада учратиб қолдим. У киши жуда хомуш, бунинг устига менга нимадир дегиси келиб турарди.*

*— Болам, юринг, бизникига, муҳим гапим бор, — деди у саломлашганимиздан сўнг. Узун-қисқа бўлиб уйларига кириб бордик. Отахон бир пиёла чой устида дардини ёрди:*

*— Икки ўғил, бир қизим бор. Кейинги пайтларда кичик ўғлим кўчадан ширакайф бўлиб қайтишни одат қилди. Бир-икки марта "Болам, бу ичкилик рўзғордан баракани кўтаради", деб насиҳат қилдим. Насиҳатга қулоқ осмагани майли-ю, ҳар икки гапнинг бирида: "Ота, бу дунёда менга сиздан нима қолади ўзи, қаранг, баъзи оталар ўғилларининг тагига машина миндириб, қўша-қўша уй солиб, дўкон очиб бераяпти", — дейишни ўрганди.*

Гапга аралашмай ўтирган онахон ҳам киртайган кўзларидаги ёшни енги билан артиб, суҳбатга қўшилди:

— Болам, сизга айтсам, ўғлимиз бизни ношудга айлантириб қўйди. Гўё қўлидан иш келмайдиган одамлар эканмиз. Бир умр ҳалол яшадик, ҳалол топдик. Ҳалоллик айбми, болам?

— Мен темир йўлда, кампирим касалхонада ишладик, — дея сўзида давом этди яна отахон. — Умр бўйи фақат маошга кун кечириб, ортиқча мол-дунё тўплай олмадик. Ўғлим ҳозир бировнинг машинасини олиб, "такси"чилик қилаяпти. Қўли пул кўриб, бизни менсимай қўйди. Сиздан илтимос, болам, уни ёнингизга чақириб, бир насиҳат қилиб қўйинг. Майли бизни ҳурмат қилмаса ҳам, кўп ичмасин. Бу туришда ўзини ўзи хароб қилади...

Ўша куни отанинг ўғлига айтадиган гапларим кўп эди. Лекин "жаҳл келганда ақл қочади" деганларидек, индамадим. Эртаси куни дилимга тукканларимни ўзгаларга ҳам сабоқ бўлсин деб қоғозга туширдим:

"Укажон, оталардан бу дунёда қоладиган яхшиликлар жуда кўп. Сен кўзингни фақат моддий бойлик томонга бураверма. Отангдан бойлик қолса яхши-ю, бойлик қолмаса ёмонми? Кел, сенга қуруқ насиҳат қилавермай, ён-атрофингда яшаётган одамлардан мисол келтирай.

Рўзиқул бувага Худо ризқи-насибали ўнта фарзанд берди. Уларнинг саккиз нафари ўғил эди. Болаларини вояга етказгунча буванинг чопони йиртилиб, этиги тўзиб кетди. Йиллар ўтди, фарзандлар бирин-кетин "оёққа туриб" элга қўшилди. Уларнинг ҳар бири ота-она иззатини жойига қўйишни шараф деб тушунишди. Рўзиқул бува 8 ўғилнинг уйида кампири билан навбатма-навбат яшаб, тўқсон ёшида оламдан ўтди. Эсингда бўлса керак, ўша кун саккиз ўғил отанинг тобутини қабристонгача ўзлари кўтариб боришди. Отахоннинг ёшига етайлик деганлар тобутга фақат қўл теккизиб, армонда қолишди. Рўзиқул бувангдан ҳам болаларига берган тарбиясидан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. Сен бўлса, ётиб олиб, отангдан тоғ сўраб ётибсан...

Қишлоқдошинг Бувабек акани ҳам танийсан. Шу одам 52 ёшида тўшакка михланиб қолганди. Ўшанда болаларининг каттаси эндигина 16 ёшга тўлган эди. Болалар оталарининг бу аҳволга тушганидан ўксимай, онанинг ёнига кириб, отаси учун дорига пул топишга ёрдамлашди. Йиллар ўтди, болалар пишиқ, уддабурон бўлиб вояга етишди. Оталарини эса соғ одамдай парваришлаб, ётган жойида қилган насиҳатларига амал қилиб яшашмоқда. Бувабек ака бу йил 70 ёшга тўлади, демак 18 йилдан бери тўшакда ётган одамнинг фарзандлари меҳр-оқибатли чиқса-ю, сенга ўхшаган нодонлар отадан нолиб юрса...

Айтаман десам, гап кўп, лекин яна бир воқеани сенга айтмасам бўлмас. Аширбой тақачининг тўрт ўғли оталари оламдан ўтгач, уй-жой талашиб, пичоқлашишгача ҳам бориб етди. Охири икки ўғил қамоққа тушди, иккитаси ичкиликка муккасидан кетганлигидан эл-юртдан ажралиб қолган. Сен бўлса, отанг солган иморатда ташвиш билмай яшаяпсан. Яна сиздан бу дунёда нима қолади, деб берган саволингни қара.

Қолган гапларни ўзинг тушуниб оларсан, укажон. Ҳозироқ бориб, отангдан кечирим сўра, онажонингнинг оёқларини ўп, токи икки дунёинг обод бўлади"...

**Ҳамид НОРҚУЛОВ**

РАССОМ ХАНДАСИ




Хусан СОДИҚОВ чизган сурат.

НАЗОРАТ

## Қонунни менсимаган «ишбилармон»

Юртимизда тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ишбилармон кишиларнинг фаолияти ривожланиб бораётгани қувонарли ҳолат. Аммо бу имкониятни суъиистемол қиладиган, ўз манфаатини халқ, давлат манфаатидан устун қўядиганлар ҳам учраб туради. Масалан, яқинда хусусий тадбиркор Жамшид Комилов (исм-фамилияси ўзгартирилган) фаолияти таҳлил қилинганда, у савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган ҳолда, даромадини яшириб, савдодан тушган пулларни ноқонуний тарзда ўзлаштиргани маълум бўлди.

Ёғоч маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти учун Шайхонтоҳур туман ҳокимлигидан лицензия олган Жамшид Комилов, туман ДСИдан рухсатнома олиб, ўтган йилнинг биринчи чорагида қўшни Қозоғистон Республикасидан 3474 тонна ун маҳсулотларини мамлакатимиз ҳудудига олиб киради. Катта фойдани кўзлаган "тадбиркор" шаҳар бедарвоза деб ўйлади шекилли, дарҳол мижоз топиб, маҳсулотларни нақд пулга сотиб юборди. Жами 1 миллиард 323 миллион 720 минг сўмлик маҳсулотдан бор йўғи 169 миллион сўмини НКМдан ўтказиб, банкка инкассация қилади, холос. Текширув жараёнида қолган 1 миллиард 154 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ноқонуний тарзда ўзлаштирилиб юборилганлиги маълум бўлди. Энди "уддабурон тадбиркор" келтирган зарарини тўлаб, қонун олдида жавоб беришга мажбур.

**Ў.ПИРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бош суриштирувчиси**

ЙЎҒ-Е

### Кимнинг тушига нима киради?

Теримчининг тушига ғўза,
Кулолнинг тушига кўза,
Чақимчининг тушига чаён,
Овчининг тушига қуён,
Ошиқнинг тушига гул,
Чайқовчининг тушига пул,
Нонвойнинг тушига хамир,
Ямоқчининг тушига камир,
Боксчининг тушига мушт,
Қассобнинг тушига гўшт
кирармиш!

**Жўшқин ДОВУРОВ**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Элбек ЖУМАНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30

Ⓡ — тижорат белгиси.

Адади: 14003 Буюртма — Г-454 1 2 3 4 5 6 7 8